

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети

РЎЗИЕВА ДИЛЬНОЗ ИСОМЖОНОВНА

**Олий таълим муассасалари талабаларида миллий
ифтихор туйғусини шакллантиришга оид
методик тавсиялар**

Тошкент - 2006

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети

РЎЗИЕВА ДИЛЬНОЗ ИСОМЖОНОВНА

**Олий таълим муассасалари талабаларида миллий
ифтихор туйғусини шакллантиришга оид
методик тавсиялар**

Тошкент - 2006

ҚЎЛЛАНМАДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР, ШУНИНГДЕК, БАРЧА ТАЛАБАЛАР ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МЕТОДИК МАТЕРИАЛЛАР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.

“Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари” мавзусида факультатив курс, тест саволлари, шунингдек, дарсдан ташқари машғулотлар матнлари малака ошириш тизими тингловчиларига ҳам асқотади.

ТАҚРИЗЧИЛАР

Техника университети «Педагогика» кафедраси
муdiri, педагогика фанлари доктори, профессор

У.Маҳкамов

Низомий номидаги ТДПУ «Умумий педагогика»
кафедраси доценти педагогика фанлари номзоди

С.Мадиярова

Низомий номидаги ТДПУ «Умумий педагогика»
кафедраси катта ўқитувчиси

М.Аҳмедова

Сўз боши

Ҳозирги даврда келажак авлоднинг истиқлол сари ишонч билан боришида уларнинг маънавиятини шакллантириш кечиктириб бўлмас вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Етук маданиятли инсонгина истиқлол мафкураси ғояларини ўзлаштириб, уларга қатъий амал қилган ҳолда ижтимоий фаолиятни амалга оширади. Миллат маънавиятини тиклаш ва ривожлантиришда миллий онг, тил ва маданият етакчи ўрин тутади. Улардан самарали фойдаланиш талабаларда миллий ҳис-туйғу, ғурур ва ифтихорни ўстириш, шунингдек, миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Миллий ғурур шахснинг муайян миллатга мансублиги, унинг миллий этнопсихологик хусусиятлари ҳамда ушбу миллат томонидан жаҳон маданиятига қўшилган ҳиссадан фахрланиш туйғусидир .

Миллий ифтихор эса - муайян миллатга мансублик ва ушбу миллат томонидан жаҳон маданиятига қўшилган ҳиссадан фахрланиш, шунингдек, ўзи мансуб бўлган миллатга садоқатли бўлиш ҳиссини туйиш ва бу йўлда амалий фаолият кўрсатишдан иборатдир .

Миллий ўз-ўзини англаш - бу шахс томонидан миллий мансублик, ушбу миллат томонидан жаҳон маданиятига қўшилган ҳиссадан фахрланиш у мансуб бўлган миллатга хос ва ижобий характер касб этувчи этнопсихологик хусусиятлар, миллий қадриятлар ва улар мазмунида илгари сурилган ғоялар моҳиятини тушуниш ва уларга мувофиқ ижтимоий фаолиятни ташкил этиш жараёни демак .

Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ўз ифодасини топган. Мустақил Ўзбекистон маданиятининг барча йўналишларида жаҳоншумул кашфиётларни ярата олган минглаб алломаларни етиштириб берган ўлка ҳисобланади. Улар умумбашарий аҳамиятга эга маърифатнинг шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий-маънавий мероси

жаҳон маданиятининг ажралмас қисми, узвий бўлагидир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш олий таълим муассасаларида ишлаётган ҳар бир педагогнинг миллий ифтихор туйғусининг мазмуни, уни талабаларда шакллантириш имкониятлари, бу соҳадаги зиддиятларни бартараф этиш йўллари, шакл, усул ва методлари билан қуролланган бўлишини тақозо қилади. Шунинг учун ҳам кузатишларимиз натижасида талаба-ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг мазмуни, восита, шакл, усул ва методларини белгилаш, бу соҳада мавжуд бўлган тарихий тажрибаларни умумлаштириш ниҳоятда долзарб эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Талаба-ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг асосий вазифаларидан бири – улар ўртасида кенг кўламли маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш асосида уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатлар, жумладан, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш йўлидаги барча имкониятлардан самарали, унумли фойдаланиш ҳисобланади.

Миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда талабанинг миллий мансублигига ҳурмат, унда миллатнинг ютуқларидан ғурурланиш кўникмаларини шакллантириш, ўз устида ишлашга рағбат уйғотиш, мустақил таълим олишга интилишни шакллантириш ва йўналтириш каби қатор субъектив-педагогик омиллар ҳам мавжудки, уларни уйғунлаштириш ва кўзланган мақсадга йўналтириш тарбиявий иш самарадорлигини белгилайди, педагогик таъсирни кучайтиради.

Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда педагогик шароит-шароитлар ва омилларнинг аҳамияти катта. Олий таълим муассасаларидаги соғлом муҳит, талаба ва педагогларнинг умумий фикри, унинг шаклланганлик даражаси, ўз аъзосига талабчанлиги, ўзаро ёрдам, жамоа назорати ва ҳоказолар талабада миллий ифтихор туйғусини шаклланишида самарали таъсир кўрсатиши, унинг йўналишини белгилаб бериши мумкин.

Миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг шакл ва усуллари турли-туман бўлиб, олий таълим муассалари педагоглари улардан ўз иш услубига мосларини танлаб олишда кенг имкониятларга эга. Миллий ифтихор туйғусининг шаклланганлик даражасини аниқлашда кузатиш, таҳлил қилиш, талабада миллий ифтихор туйғусининг шаклланганлик даражасини белгилаш, индивидуал ёндашув, баҳолаш, рағбатлантириш ва ҳоказолар самарали усуллар саналади.

Талабанинг асосий фаолияти билим олиш ва касб маҳоратини эгаллашдир. Шунинг учун олий таълим жараёни миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Олий таълим жараёнига шахсга таълим-тарбия бериш майдони сифатида қўйиладиган энг асосий талаблар талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш ва бунинг учун шароитлар яратиш, уларни мулоҳаза қилиш, фикрлаш, умумлашма ва хулосалар чиқаришга одатлантириш, яъни, ақлий фаолиятни ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни бойитиш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда аудиториядан ташқарида ҳам кенг имкониятлар mavjud. Суҳбат, баҳс-мунозара, бадий кеча ва анжуманларни режали тарзда уюштириш, саёҳатларни ташкил қилишда мазкур вазифа ечимига бевосита ёндашилса (муайян мавзу доирасида ўтказилса), тўгараклар, спорт машғулоти, мусобақалар, кўрик-конкурслар, ижтимоий фойдали меҳнат ва бошқа фаолият турларида таълим-тарбиявий мақсадларни уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Қўлингиздаги ушбу методик қўлланма биз томонимиздан тайёрланган “Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг манбалари ва воситалари” деб номланган монографияга илова сифатида тавсия қилинади.

Олий таълим муассасалари талабаларига “Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари” мавзусида факультатив курс сифатида тавсия этилаётган материалimiz 18 соатга

мўлжалланган бўлиб, уни Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳар бирида қўллаш мумкин бўлади.

Тест саволлари эса талабаларда миллий ифтихор туйғусининг шаклланганлик даражасини аниқлайди, ҳамда уларда ушбу туйғуни шакллантиришга ёрдам беради. Саволларга жавобларни талабалар ”Педагогика тарихи” дарсликларидан, юқорида номи қайд этилган монографиядан топишлари мумкин бўлади.

Шунингдек, биз дарсдан ташқари машғулотлар, олий таълим муассасаларида мунтазам ташкил этиб борилаётган маънавий соатларига маъруза матнлари сифатида бир неча соатлик матнлар тайёрлаганмиз.

Ўйлаймизки, ушбу методик қўлланма олий таълим муассасалари талабалари, профессор-ўқитувчилари, малака ошириш тизими тингловчилари учун асқотади.

«ШАХСДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ» ФАКУЛЬТАТИВ КУРС ДАСТУРИ

Уқтириш хати

Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш уларда ватанпарварлик, Ватан ва миллат тараққиётини таъминловчи маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради. Жамият фуқароларининг миллий ғурур, миллий ўзликни англаш ҳамда миллий ифтихор туйғуларига эга бўлиши миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, жамият равнақи ва миллат тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари, шу жумладан, олий таълим муассасалари таълим олувчиларга «миллий ғурур», миллий ўзликни англаш» ва «миллий ифтихор» тушунчалари тўғрисида маълумотлар бериш, уларда бу каби сифатларнинг шаклланиши учун педагогик шарт-

шароитларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу дастурда олий таълим муассасаларининг талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари тўғрисида сўз юритилади. Дастур ғоялари олий таълим муассасаларида факультатив курс сифатида талабаларга етказиб берилади.

Факультатив машғулот 18 соатга мўлжалланган бўлиб, ундан 8 соат маъруза, 4 соат амалий машғулот (семинар) ва 6 соат мустақил иш учун ажратилган.

Мавзуларнинг соатлар бўйича тақсимоти

№	Мавзулар номи	Соатлар ҳажми		
		Маъруза	семинар	мустақил иш
1.	Миллий ғурур, миллий ўзликни англаш ва миллий ифтихор тушунчаларининг моҳияти	2	2	-
2.	Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг тарихий тажрибаси	2	-	2
3.	Миллий ифтихор туйғусининг таркибий асослари	2	-	2
4.	Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш омиллари	2	2	2
Жами		8	4	6

1-мавзу Миллий ғурур, миллий ўзликни англаш ва миллий ифтихор тушунчаларининг моҳияти (4 соат)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг шахсда миллий ғурур, миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш зарурати тўғрисидаги қарашлари.

«Миллий ғурур», «миллий ўзликни англаш», «миллий ифтихор» тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти. Маданиятлар интеграциялашуви шароитда миллий ифтихор туйғусига эга бўлишнинг аҳамияти. Миллий ифтихор туйғусининг ватанпарвар, комил шахсни тарбиялашдаги аҳамияти.

2 – мавзу: Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг тарихий тажрибаси (4 соат)

Шарқ мутафаккирлари – Абу Наср Форобий, Абу Райқон Беруний ва Абу Али ибн Синоларнинг асарларида миллий ифтихор, миллий туйғу тушунчасининг ёритилиши. Жадидизм асосчилари – Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори Абдурашихонов, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирийларнинг миллий уйғониш, миллий ватанпарварлик тўғрисидаги қарашлари.

Замонавий Шарқ ва Ғарб адабиётларида миллий ғурур, миллий ўзликни англаш ва миллий ифтихор туйғусининг – ватанпарварлик асоси эканлиги борасидаги қарашларнинг ёритилиши.

3 – мавзу: Миллий ифтихор туйғусининг таркибий асослари (4 соат)

Миллий ифтихор туйғусининг таркибий асослари. Миллий ғурур, миллий ўзликни англаш, миллий ифтихорни шакллантиришнинг фалсафий, тарихий ва психопедагогик асослари.

4 – мавзу: Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш омиллари (6 соат)

Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш омиллари. Таълим-тарбиянинг шахсда миллий ифтихор туйғусини тарбиялашдаги роли. Маданият (санъат, адабиёт)нинг шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти. Спорт – шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантирувчи таъсирчан омил. Оммавий ахборот воситаларининг шахсда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришдаги ўрни. Моддий қадриятлар (давлат рамзлари, Ватан тупроғи, меъморий ёдгорликлар, тарихий қадамжолар, Ватан табиати, моддий бойликлар, оилавий анжомлар ва ҳоказолар)нинг ёшларда миллий ифтихорни шакллантиришдаги аҳамияти.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т. Ўзбекистон, 1992. - 43 б.
2. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуг. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. -Т.: Ўзбекистон, 1994.
5. Каримов И.А. Ватан озодлиги - олий саодат. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000. 528 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
10. Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
11. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 80 б.
12. Аброров М. Янгича фикрлаш ва миллий урф-одатлар. – Т.: Ўзбекистон, 1990. - 20 б.
13. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи, 1992. - 160 б.
14. Азимов Э. Амир Темур салтанати. /Масъул.муҳар. Ф.Шарипов. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996.- 88 б.
15. Алиев А. Маънавият, кадрият ва бадият (Ватан фидоийлари). – Т.: Академия, 2000. –

630 б.

16. Алимов Х. Миллийлик ва ижтимоий руҳият. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 70 б.
17. Алметов Н.Ш. Ўқув-тарбия жараёнида халқ педагогикасининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш //Ўқит.учун.қўлл. – Чимкент, Жан.КозМИТИ, 1993. – 90 б.
18. "Алпомиш" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти //Халқаро конф.мат. – Термиз: Фан, 1999.
19. Аминов Б., Расулов Т. Аждодларимиз нидоси. - Т.: Адолат, 1994. – 64 б.
20. Аминов Б., Расулов Т. Ватан - юракдаги жавоҳир. - Т.: Ўқитувчи, 2001. – 232 б.
21. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат //Мақолалар тўпл. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 88 б.
22. Аъзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 53 б.
23. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.
24. Баҳранов Ш. Шахс миллий ўзлигини англаш қонуниятлари. – Самарқанд: Зарафшон, 1995. – 136 б.
25. Бехбудий, Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 1999. - 280 б.
26. Бобомирзаев Х. Халқ оғзаки ижоди ва унинг таълим-тарбиядаги самараси. - Т.: Ўқитувчи, 1991. - 173 б.
27. Бобохонова Л.Т., Бектурганова С. Ўзбекистон ва ўзбеклар. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 148 б.
28. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Т.: Меҳнат, 1991. – 384 б.
29. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). К.2./Нашрга тайёр. ва масъул муҳар. М.М.Хайруллаев. - Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1996. - 120 б.
30. Жўраев Н. Уйғоқ нигоҳ. - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 152 б.
31. Жўраев Н. Ўзлигини англаш мавриди. - Т.: Ўзбекистон, 1990. - 126 б.

32. Иброҳимов А. Миллат овози. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2003. – 240 б.
33. Имомназаров М.С., Эшмуҳамедова С. Миллий маънавиятимиз асослари /Таҳрир хайъати Ҳ.С.Кароматов ва бошқ. - Т.: Ислом университети, 2001. – 432 б.
34. Каримова В.М. Миллий истиқлол ғоясини таълим жараёнига жорий этишнинг педагогик ҳамда психологик асослари. – Т.: ЎАЖБНТ, 2002. – 26 б.
35. Маматов М. Миллатнинг тузилиши ва унинг хусусиятлари. – Т.: Фан, 1990. – 34 б.
36. Маҳкамов У. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. - Т.: Фан, 1996. - 200 б.
37. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. – Т.: Маънавият, 1999. – 63 б.
38. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. - Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2001.
39. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият //Ўз.Р Президенти И.Каримов асарлари асосида. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2001. – 160 б.
40. Мусурмонова О. Маънавият кадриятлар ва ёшлар тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
41. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. – Т.: Фан, 1993. – 118 б.
42. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Т.: Фан, 1993. - 56 б.
43. Отамуродова Р. Талаба-ёшларнинг маънавий тарбияси //Халқ таълими ж., 2000. 6-сон. – 26-28 б.
44. Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1995. – 208 б.
45. Содиқов Х. Султон Жалолиддин Мангуберди. Биографик эссе. – Т.: Чўлпон, 1999. – 48 б.

46. Сувонкулов И. Маънавият илдизлари. - Самарқанд: 2000.
47. Тоҳир Қ. Хур Туркистон учун. - Т.: Чўлпон, 1994.
48. Туленов Ж., Юсупов К., Ғафуров З. Истиклол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. - Т.: Ўзбекистон, 1993. – 48 б.
49. Усмонов О., Мадрахимов А. Камолиддин Бехзод. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000.
50. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. – Т.: Фан, 1994. – 80 б.
51. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди. - Т.: Фан, 1999.
52. Хўжаев ., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Т.: Маънавият, 2001. – 40 б.
53. Шарифхўжаев М. Ифтихор. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
54. Шарофиддинов О. Маънавий камолот йўлларида. - Т.: Маънавият, 2001. - 224 б.
55. Юсупов Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 32 б.
56. Қорабоев У. Ўзбек халқи ўйинлари /Махсус муҳар. Э.Юсупов. – Т.: Санъат нашриёти, 2001. – 56 б.

**ТАЛАБАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИ МОҲИЯТИ ВА
УНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРГА
ЭГАЛИГИНИ АНИҚЛОВЧИ ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

1. Миллий ифтихор – бу:
 - а) миллий кадр-қимматни юқори қўйиш;
 - б) миллий манфаатларни ҳимоя қилиш;
 - в) миллат тарихи, бугуни, унинг умумбашарият цивилизациясига қўшган ҳиссаси, миллий муносабатлар, миллий турмуш тарзи, миллий кадриятлар ва уларда илгари сурилган ғоялардан фахрланиш, уларни асраш;
 - г) миллий ғурур, миллий ўз-ўзини англаш;
 - д) ўз миллатини улуғлаш, маданий-маънавий кадриятларни кадрлаш, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш.

2. Қуйидагилар миллий ифтихор асосини ташкил этади:

а) миллий ҳис-туйғу; миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, ватанпарварлик;

б) миллий манфаатларни бошқа миллатлар манфаатларидан устун қўйиш;

в) миллий ҳис-туйғу; миллий шовинизм;

г) космополитизм;

д) миллий ғурур, миллий ўзликни англаш, миллатчилик.

3. Миллатчилик – бу:

а) ўзи мансуб миллат ва миллий манфаатларни барча нарсдан устун қўйиш;

б) ўзга миллатларни яқсон этишга йўналтирилган ҳаракат;

в) ирқий камситиш ғояларини илгари сурувчи таълимот;

г) ўз миллатига чуқур ишонч ва ўзга миллатларга ишончсизлик;

д) барча бандлар тўғри.

4. Космополитизм – бу:

а) ўз Ватанини ер юзидаги энг муқаддас макон деб билиш;

б) ягона Ватан фуқароси бўлиш мажбуриятини зиммага олмаслик (ватансизлик);

в) яшаш учун қулай бўлган маконни Ватан сифатида тан олиш;

г) “жаҳон ” фуқаролиги мақомида яшаш;

д) байналминналилик.

5. Миллий ифтихор туйғусини шаклланишига таъсир этувчи омиллар:

а) миллат тарихи, миллий тил, миллий ҳудуд, аждодлар намунаси, миллий маданият, миллий кадриятлар;

б) миллий маданият, миллатни улуғловчи ғоялар;

в) аждодлар намунаси;

г) малакали педагоглар имкониятларидан фойдаланиш;

д) она -Ватан тупроғи.

6. Оилада фарзандларнинг миллий ифтихор туйғусига эга бўлишларини таъминловчи воситалар:

а) оилавий кадриятлар, оила манфаати, оиланинг ижтимоий мавқеи;

б) миллий тарбия ғоялари, сулола шаъни ва ибрати, оила анъаналари, оилавий кадриятлар;

в) она-оналар намунаси, ўғитлари, панд-насихатлари;

г) ҳамма бандлар тўғри;

д) ота-оналарнинг жамиятдаги мавқеи.

7. «Ватан саждагоҳ каби муқаддас» ибораси баён этилган асар:

а) «Авесто»;

- б) «Ҳадис»;
- в) «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар»;
- г) “Қуръони Карим”;
- д) “Педагогика тарихи”.

8. Қуйидаги фикр муаллифи «Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдиғимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскимўлар Шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб, ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз ”Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл”, - демишлар» -:

- а) А.Авлоний;
- б) Д.К.Ушинский;
- в) И.А.Каримов;
- г) Я.Коменский
- д) Фитрат

9. Миллий ифтихор туйғусининг таркибий қисмлари:

- а) халқ тарихидан хабардорлик, миллатнинг ўтмиши, тарихига ҳурмат;
- б) она тилининг миллат нишони, ғурури эканлигини ҳис қилиш;
- в) миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни асраш ва янада бойитиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш;
- г) ҳамма бандлар тўғри;
- д) миллий маданиятнинг жаҳон цивилизациясига қўшилган ҳисса эканлигини англаш.

10. Миллий ифтихор туйғусини шакллантириш йўллари:

- а) таълим жараёнида;
- б) тарбия жараёнида;
- в) оммавий ахборот воситалари ёрдамида;
- г) миллий тарих ва маданиятни чуқур ўрганиш билан;
- д) ҳамма бандлар тўғри.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА АНКЕТА СЎРОВНОМАСИ :

1. «Миллий ғурур», «миллий ифтихор» ҳамда «миллий ўзликни англаш» тушунчалари Сиз учун қандай маънони англатади?
2. Шахсан Сиз ўзингизда миллий ифтихор туйғуси шаклланган дея

оласизми?

3. Сизнинг фикрингизча, шахсда миллий ифтихор туйғуси қандай шароитда ва қайси омиллар асосида шаклланади?

4. Сизнинг назарингизда, талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда ўқув ҳамда мутахассислик фанлари муайян имкониятларга эгами?

5. Сиз қандай фикрдасиз, аудиториядан ташқари шароитда қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этиладиган тарбиявий тадбирлар талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга хизмат қилади?

6. Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда бадиий асарларнинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз? Мисоллар келтиринг.

7. Шахсан Сиз шахсда миллий ифтихор туйғусининг шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёс эканлигига ишонасизми? Фикрингизни мисоллар орқали ифодаланг.

8. Шахсда миллий ифтихор туйғусининг шаклланишида оила ҳамда оилавий анъаналарнинг ўрни қандай?

9. Шахсда миллий ифтихор туйғусининг шаклланишида талаба мансуб бўлган микромуҳитнинг таъсири бор деб ҳисоблайсизми?

10. Сиз қандай фикрдасиз, шахсда миллий ифтихор туйғусининг шаклланиши ўзга миллат вакилларининг манфаатларига зиён етказадими?

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРГА АНКЕТА СЎРОВНОМАСИ

1. Сиз “миллий ғурур” ,«миллий ифтихор» ва “миллий ўзликни англаш” тушунчаларини қандай шарҳлаган бўлар эдингиз?

2.Сиз ўзингизда миллий ифтихор туйғусини шакллантира олганмисиз ва бу борада талабаларга ибрат кўрсата оласизми?

3.Сиз қандай фикрдасиз, талабалар миллий ифтихор туйғусига эгамилар?

4.Талабаларда миллий ифтихор туйғусининг шаклланиши ижтимоий аҳамиятга эгами? Мулоҳазаларингизни мисоллар ёрдамида асосланг.

5.Сиз фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга эътибор қаратиладими? Фикрингизни мисоллар ёрдамида ифодаланг.

6.Сизнинг фикрингизча, шахсда миллий ифтихор туйғуси қандай шароит ва омиллар асосида шаклланади?

7.Машғулотлар жараёнида талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириб боришга ҳаракат қиласизми?

8.Бу борада қандай шакл, метод ва усуллардан фойдаланасиз?

9.Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда фанлараро алоқадорлик ҳамда жамоатчилик иштирокига таянасизми?

10.Сизнинг фикрингизча, талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда самарадорликка эришиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ?

АМИР ТЕМУР – ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ФАХРИ, ИФТИХОРИ (Дардан ташқари машғулот сценарийси)

Саҳна соҳибқирон Амир Темур ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанни севиш ва уни уни ардоқлашга оид қарашлари битилган, Амир Тумур даврида бунёд этилган бинолар суратлари туширилган плакатлар, макетлари билан безатилган.

Тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад - талабаларимизнинг бобокалонимиз Амир Темирнинг ҳаёти, унинг халқи учун қилган хизматлари, бунёдкорлик ишлари ҳақида янаям чуқурроқ тасаввурга эга бўлишлари, уларнинг шу соҳадаги билимларини янада ошириш ва шу орқали ёшларимизда ота-боболаримиз билан фахрланиш, биз ҳам шундай буюк

зотларнинг авлодлари эканлигимиздан фахрланиш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш.

Даврани йигит ва қиз бошловчилар бошлаб берадилар.

1-бошловчи: Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳоннинг илғор ва етакчи давлатлари қаторида бўлишини таъминлашга қодир ёшларга таянади. Бундай салоҳиятга эга бўлиш учун тенгдошларимиз нафақат ҳозирги замон дунёвий илмларини, балки бутун дунё илму-фанига, маданиятига ҳисса қўшган, ўзбекни жаҳонга танитган ота-боболаримизни, уларнинг ҳаёти ва фаолиятларини билишлари, улардан ўрнак олишлари лозим бўлади. Бу даражага эришмаган бирор бир шахсни баркамол инсон деб бўлмайди.

2-бошловчи: Тарихда ўтган буюк шахсларимиз, айниқса, Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти бунда асосий мезон бўла олади. Унинг ҳар қандай мушкул сиёсий, ҳарбий, дипломатик вазиятлардан чиқиб кета олиш заковати, мардлиги, жасорати, ватанпарварлиги, топқирлиги барчамиз учун ибрат мактаби, Ватанимизни севиш ва унга хизмат қилиш намунаси бўлиб хизмат қилади.

1-бошловчи: Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётини ўрганиб шундай хулосага келдик-ки, боболаримиз ҳаёти ва фаолиятини қанчалик чуқур зеҳн билан мукамал ўргансак, ундан сабоқ олсак, Ўзбекистоннинг собитқадам, жасур, ақл-идрокли, она-Ватан кудратини жаҳонга кўз-кўз қилишга қодир ва фидоий фарзандлари бўлиб етишамиз. Зеро буюклар босиб ўтган йўлни зеҳн ва қунт билан ўрганиш ҳар бир инсонни камолот поғоналари сари элтади.

2-бошловчи: Давра суҳбатимизни бошласакда, тенгдошларимиздан тайёрлаб келган маълумотларини эшитсак.

1-талаба: Ўзбек тилимизда бунёдкор сўзининг маъноси “барпо қилмоқ”, ”яратмоқ” деган сўзларга синоним бўлиб, халқи учун, юрти учун бирор яхшилик қилган инсонга, ёдгорлик қолдирган инсонларга нисбатан ишлатилади. Амир Темур буюк бунёдкорлиги билан яхши ном қолдирган

инсон. Авваламбор Соҳибқирон халқига ҳамда мамлакатига эрк, тинчлик ва фаровонлик олиб келди. У Чингизхон бостириб кирганидан кейин вайронага айланган шаҳарларни қайта тиклади, обод қилди. Самарқанд, Бухоро, Шош жаҳонга кўз-кўз қилса арзигулик шаҳарларга айланди. Юртимиз фаровон бўлиб, боғ-роғларга бурканди.

2-талаба: Шу фикрни давом эттириб, Самарқанд шаҳри ҳақида гапирмоқчиман. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, 1371 йилнинг боши – 1372 йилнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг кунботар тарафида, баланд тепалик ёнбағрида Арки олий деб аталган мустаҳкам бир қалъа қад кўтарди. Шаҳар деворлари баланд қилиб кўтарилиб, олти мустаҳкам дарвоза – Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Гозургоҳ, Бухоро ва Чорраҳа дарвозалари тикланди. Шаҳар арки ичида тўрт ошёналик иккита улкан Сарой: Кўксарой ва Бўстонсарой қад кўтарди. Кўксаройда давлат хазинаси сақланар эди. Бундан ташқари бу ерда қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи корхоналар ва қамоқхона жойлашган эди. Бўстонсарой эса подшоҳнинг қароргоҳи бўлган.

3-талаба: Самарқандда шу йиллари шаҳар кўчаларининг баъзилари ва бозор қайта қурилиб обод қилинган. 1404 йили Самарқандга келган Испания элчиси Клавихо бундай деб ёзади: ”Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон(Олтин Ўрда) ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек ниҳоятда бой бўлган Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган мол ва матолар сотилади. Илгари шаҳарга олиб келинган мол ва матоларни бир ерда тартиб билан жойлаштириб сотадиган жой йўқ эди. Подшоҳнинг амри билан шаҳарда икки тарафида қатор дўконлар қўйилган шоҳкўча, бозорларда расталар қурилди”.

4-талаба: Амир Темурнинг ҳар бир мўмин-мусулмон учун муқаддас ҳисобланган зиёратгоҳларни обод қилишга алоҳида эътибор берганлиги, кўплаб катта масжид, мадраса ва хонақоҳлар қурдирганлиги, янги бозорлар, ҳаммомлар, қарвонсаройлар ва бошқа жамоат биноларини бунёд қилдиргани

унинг ҳақиқий ижодкор, яратувчи бунёдкор эканлигидан далолат беради, унинг ва у қилган ишларининг ўзбек миллатининг ифтихори эканлигини яна бир бор эслатади.

5-талаба: Афросиёб тепалигининг жанубий ёнбағрида жойлашган Шоҳизинда маъмурий ёдгорлиги – Самарқанднинг энг катта зиёратгоҳларидан ҳисобланади. Бу ерда ислом аламдорларидан (байроқдор, тарғиботчи) пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг амакиваччаси Кусам ибн Аббос, Амир Темурнинг қариндош – аёллари Туман оқа, Ўлжой энага, Ширин бека, шунингдек аслзодалар: амир Хусайн, ҳожа Аҳмад, Амирзода амир Бурундуклар дафн этилган. Амир Темур ва Бибихонимлар тарафидан мазкур қабрлар обод қилинган. Уларнинг тепаларига зиёратхона ва даҳма(гўрхона)дан иборат гумбазли мухташам иморатлар, масжид, хонақоҳ ва чортоқлар қурилган. Шоҳизинда Мирзо Улуғбек замонида бир қадар ободонлаштирилди, хусусан қозизода Румий мақбараси бунёд этилди. Амир Темур даврида бунёд этилган яна иккита зиёратгоҳ – Руҳобод ва қутби чаҳордахум номи билан машҳур бўлган авлиё хожа Нуриддин басир қабрлари устига қурилган баланд мақбаралардир. Руҳобод XIУ асрда ўтган йирик илоҳиёт олими шайх Бурҳониддин Сўғаржийнинг қабри устига қурилган юксак мақбара бўлиб, шаҳар кўркига кўрк кўшиб турган. Иккинчи мақбара (қутби чаҳордахум) Наводон ариғи соҳилида жойлашган ва шаҳарнинг тўрт тарафидан яхши кўриниб туради. Миллатимизнинг ифтихори бўлмиш тарихчиларимиз, ёзувчи Садриддин Айнийнинг маълумотларига қараганда, рус аскарлари, шаҳар ишғол қилингандан кейин, унинг пойдевори остига 40 линча қопда милтиқ дори кўмиб, уни портлатиб юборганлар, томига қопланган тилло тунукани олиб кетганлар.

6-талаба: Самарқанднинг яна бир олий зиёратгоҳи темурийлар хилхонаси ҳақида тўхталмоқчиман. Бу олий иморат ичида Темурнинг суюкли набираси ва тахт вориси мирзо Султон Муҳаммад, Соҳибқироннинг ўзи ва

ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ ва Шохрух, набираси Улуғбек, Темурнинг бош тарафида эса унинг пирларидан Мир Саид Бараканинг сағанаси жойлашган. Амир Темурнинг шахсан бошчилигида қурилган олий бинолардан яна бири Бибихоним жомеъ-масжидидир. Бу қурилиш беш йил (1399-1404) давомида қуриб битказилган бўлиб, кейинчалик Бухоро хони Абдуллахон II ва унинг яқинларидан Қулбобо кўкалтош томонидан қайта таъмирланган. Лекин XIX аср охирида юз берган кучли zilзила пайтида унинг асосий қисми вайрон бўлган. Мустақиллик шарофати билан, шахсан Президентимизнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли кўплаб ёдгорликлар қатори бу тарихий ёдгорлик ҳам зиёратгоҳга айлантирилди, ўзбек миллатининг фахри, ифтихори даражасига етказилди. Мустақиллик ва унинг шарофати билан қилинаётган савоб ишлар ҳам бизнинг миллий ифтихоримиздир.

7-талаба: Ҳазрат соҳибқирон пойтахт шаҳар Самарқанд атрофида бир талай шаҳарчалар ҳам қурдирган. Самарқандни жаҳоннинг ёруғ юлдузи, унинг атрофидаги шаҳарчаларни эса унинг атрофидаги айланиб турган йўлдош сайёраларга ўхшатган Амир Темур, уларни Миср, Дамашқ, Бағдод, Шероз, Султония деб номлаган.

8-талаба: 1378-1404 йилларда шаҳар атрофига Боғи нав, Боғи жаҳоннумо, Боғи тахти қорача, Боғи Давлатобод, Боғи дилкушо бўлди, Боғи шамол, Боғи чинор, Боғи нақши жаҳон, Боғи баланд, Боғи амирзода Шохрух, Боғи майдон деган ўн иккита катта, кўркам ва хушманзара боғлар қурдирган. Чорбоғларнинг баланд жойларига мухташам қасрлар қурдирилган бўлиб, улар икки қаватли, устунлар мармардан, деворлари рангли кошинлар билан қопланган ва ички деворлари турли мазмундаги суратлар билан безатилган экан. Қаср олдида фавворалар ва гулзорлар қурдирилган. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича: ”Ҳазрат Соҳибқирон қасрларнинг ҳар бирига ўз мажлисларини... ўзи қилган жанглارнинг тасвирларини, расмий тантаналаридаги суратларни, подшоҳлар, амирлар, саййидлар, уламо ва улуғ кишилар билан қурган мажлислари тасвирини чиздирган”. Бу гўзал

кашфиётлар ҳақида гапирилганда бобомиз Амир Темурни нафақат бунёдкор, балки ижодкор, буюк кашфиётчи ва санъаткор деб тан олгимиз келади ва у билан фахрланамиз, унга лойиқ ворис бўлишга, Соҳибқирон бошлаган, бугунки кунда давом эттирилаётган ишларда ўзимизнинг ҳам ҳиссамиз бўлишини хоҳлаймиз.

1-бошловчи: Барча келтирилган маълумотларни жамлаб шундай хулосага келамизки, Самарқанд Амир Темур даврида муҳташам ва чиройли бир шаҳар тусига кирган. Замондош тарихчи ҳофиз Абуру шундай ёзади: ”Ҳазрат соҳибқирон лайдан бўлган Самарқандни тошдан қайта қурди”.

2-бошловчи: Дарҳақиқат, Амир Темур ва темурийлар даврида пойтахт шаҳар Самарқанднинг шон-шухрати бутун дунёга ёйилди, курраи заминнинг сайқали, деб баҳоланди. ”Афлотунлар чоғинда Афина, Румо салтанатинда Румо, Аббосийлар хулифатинда Бағдод қанча тараққий қилган бўлса, Темур ва Улуғбеклар замонида Самарқанд шунча тараққий қилгон эди,”-деб ёзган эди Абдурауф Фитрат(Қаранг:Абдурауф Фитрат.Туркистонда руслар.”Шарк юлдузи”,1992 йил,4-сон,183-бет).

1-бошловчи: Амир Темурнинг Самарқанддаги бунёдкорлик ишлари алоҳида бир дарс, алоҳида бир мавзу. Лекин бобокалонимизнинг нафақат Самарқандда, Шаҳрисабз ва Бухорода, Тошкентда қилган ишлари ҳам таҳсинга сазовордир.

9-талаба: Соҳибқирон Амир Темур ота шаҳри Кеш, ҳозирги Шаҳрисабзни ҳам обод қилди, ҳокимият тепасига келган дастлабки йиллариданоқ шаҳарнинг бузилиб ётган девори ва мудофаа иншоотларини қайта тиклади, кўплаб жамоат бинолари қурдирди. Булардан бири До рут-тиловат (қуръон тиловат қилинадиган жой) деб аталади. Дастлаб, 1370 йили, бу ерга Темур отасининг пири Шамсуддин Кулолни дафн эттиради. 1374 йили қабр устига гумбазли мақбара қурдиради ва унга отасининг хокини ҳам олиб келиб қўйдиради.

Дор ут-тиловат Мирзо Улуғбек замонасида, 1437-1438 йилларда яна қайта таъмирланди.

10-галаба: Амир Темур томонидан қурдирилган яна шундай мақбаралардан бири Дор ус саёдат, яъни Саййидлар уйидир. Мазкур мақбара 865 йили вафот этган муҳаддис олим Абу Муҳаммад Абдаа ибн Наср ал-Кешийнинг қабри устига қурилган ва иккита мақбара, бир неча хужра ва хонақоҳдан иборат бўлган. Бизгача етиб келган маълумотлардан шуни ҳам биламизки, ҳазрат Соҳибқирон ушбу мақбаранинг ичида ўзи учун ҳам бир даҳма қурдирган, лекин 1376 йили тўсатдан вафот этиб қолган тўнғич ўғли Жаҳонгир мирзони шу ерга дафн қилдиради.

11-галаба: Кешда Амир Темур қурдирган энг катта ва машҳур бино – бу Оқсаройдир. Бу кошоно 1380-1404 йиллар давомида қурилган бўлиб, унда нафақат олий ҳукмдор ва унинг оиласи яшаган, бу бинода давлат муассасалари ҳам жойлашган бўлган. Жуда кўп ҳужумларга бардош берган бу бинонинг ҳозир жануб томонидаги пештоқи сақланган.

12-галаба: Амир Темур она юрти Бухорони ҳам обод қилди. Унинг бошчилиги ва сайъ-ҳаракатлари билан пайғамбарлар, илоҳиёт олимлари, азиз авлиёларнинг ташқи ҳужумлар натижасида вайронага айланган мазорлари таъмирланган, аслига қайтарилган.

Булардан бири улуғ илоҳиёт олими Сайфиддин Бохарзийнинг мақбараси бўлиб, у хонақоҳ ва даҳмадан иборат.

Яна бир мақбара Чигатой хонларидан Буёнқулихон мақбараси бўлиб, бу иккала зиёратгоҳ ёнма-ён жойлашган ва жуда катта тарихий аҳамиятга эга.

13-галаба: Амир Темурнинг савоб ишларидан яна эътиборга молиги шундаки, бобомиз тариқат пешволари, шу жумладан Яссавия тариқатининг намоёндаларини жуда ҳурмат қилган. Тошкент яқинидаги Занги ота ва у кишининг турмуш ўртоғи Анбар она мақбаралари ҳақида гапирамиз.

Занги отанинг асли исмлари Ойхўжа ибн Тошхўжа экан. Бу иккала мақбара ҳам XIУ аср охирларида қурилган ва Туркистоннинг машҳур

зиёратгоҳларига айлантирилган. Лекин бизнинг давргача унинг асли шакли ўзгариб, бир неча бор қайта таъмирланган. Мустақиллик шарофати билан бу ёдгорлик миллий руҳда таъмирланди ва мусулмонларнинг зиёратгоҳига айлантирилди, ўзбек халқининг миллий ифтихорига бўлиб қолди.

14-галаба: Ҳозирги Қозоғистоннинг Туркистон, аввалги Яссида машҳур тариқат етакчиси ва шоир Аҳмад Яссавийнинг устига қўйилган икки гумбазли мақбара ҳам соҳибқирон Амир Темурнинг ҳимматлари мевасидир. Мақбара катта зиёратхона, даҳма(гўрхона) ва хонақоҳдан иборатдир. Икки йил ичида қурилган бу иморат жуда гўзал ва нақшинкор бўлган. Уни қурган усталарнинг баъзиларининг номлари: хожа Ҳасан Шерозий, Абдулвахоб Шерозий, Абдулазиз ибн Шарафуддин Табризийлар бино деворларида қайд этилганлар. Замонлар ўтиши билан бу иншоот нураб кетган. Ҳозирги кундаги олиб борилаётган ишлардан баъзи мутахассислар норозилиги жуда ачинарли, деб ҳисоблаймиз.

15-галаба: Амир Темур 1392 йили қайтадан тиклатган ва кенжа ўғли Шохруҳ(1377-1447) шарафига Шохруҳий деб номлаган эски Тошкент олдин Банокат(Бинкат) деб аталар эди. У Сирдарёнинг ўнг соҳилида , Оҳангарон сойининг мазкур дарёга келиб қўшиладиган ерида жойлашган бўлиб, Чингизхон хуружи вақтида вайрон этилган. Вайроналари ҳозирги Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманига қарашли Султон Сегизбоев номи давлат хўжалиги ўрамидадир. Маҳаллий халқ орасида ”Шарқия” номи билан маълум.

16-галаба: Соҳибқирон Амир Темур нафақат Мовароуннаҳр, балки бўйсундирилган мамлакатларда: Ироқ, Озарбайжон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда ҳам ободончилик ишларини олиб борди. Масалан, у Боғдодни, Дарбандни тиклаган; мўғуллар даврида бузиб ташланган жанубий Озарбайжонда, Урмия кўли бўйида жойлашган Бойлақон шаҳарини тошдан қайта тиклатган, Қорабоғ ва Муғон даштига сув келтирган. Шарофиддин Али Яздийнинг ”Зафарнома”да ёзишича, Амир Темур ўзидан ёдгор бўлсин деб,

ихтиёрига киритган ҳар бир мамлакат ва шаҳарда бир олий иморат бино қилдирган.

Давра суҳбатини яна бошловчилар якунлайдилар:

1-бошловчи: Ҳа, ҳазрат Соҳибқирон бобомиз шундай бунёдкор бўлганлар, эл-юрт ободончилиги йўлида ҳеч нарсани аямаганлар. Бизгача ҳам етиб келган буюк иншоотларнинг бунинг исботидир. Биз ёшлар эса бу ноёб меросни авайлаб-асрашимиз, биздан кейинги авлод ҳам ундан баҳра олишига кўмаклашимиз, томиримизда кимларнинг қони оқаётганлигини, нима ишлар билан шуғуллансак уларнинг руҳларини шод этишимизни англаб етиш пайти келди.

2-бошловчи: Асримизнинг бошларидан то 70-80-йилларгача “қонхўр”, ”жаллод”, ”босқинчи”, ”эл-юртини талаган” деб онгимизга сингдириб келинган бобокалонимизнинг бугун фақат бунёдкорлик ишлари билан танишдик. У кишининг илм-фан борасидаги ишлари, халқини ҳар қандай босқинчилардан асраш учун қилган ҳаракатлари – барчаси бизга ўрнатилган, ибрат манбаидир. Биз ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур бобомиз билан фахрланамиз, у кишини миллий ифтихоримиз, деб биламиз.

Миллатимизнинг фахри бўлмиш буюк аجدодларимиз ҳақидаги бундай маълумотлар, дарслар ёшларимизда улар билан фахрланиш туйғусини, меросларини чуқурроқ ўрганиб, авайлаб-асраб, уларга муносиб ворислар бўлиш туйғуларини шакллантириши шубҳасиз.

АМИР ТЕМУРНИНГ ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚИЛГАН ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ – МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ

(Олийгоҳ кутубхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган дарсдан
ташқари машғулот сценарийси)

Машғулот олийгоҳ кутубхонасида олиб борилади. Талабалар Амир Темур ижоди, Соҳибқирон ҳақидаги асарлар ва бевосита Амир Темур даврида ва унинг ҳомийлигида яратилган китоблар ва санъат асарлари билан

танишиш имкониятига эга бўладилар. Кутубхона ходимлари махсус шу масала бўйича олдиндан тайёрланиб, талабаларга маълумот берадилар.

Мақсад:

- талабаларни таълим муассаси кутубхонасидаги Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги асарлар билан яқинроқ таништириш;

- Амир Темурнинг илм-фан ва маданият бўйича қилган ҳаракатларини ўрганиш орқали олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантириш.

1-бошловчи: Соҳибқирон Амир Темур барпо этган қудратли марказлашган давлат турк миллатининг бирлашиши ва жипслашишига таянч бўлиб хизмат қилди, миллатнинг равнақ топишига, миллий туйғунинг уйғонишига ёрдам берди, маданиятининг, илм-фанининг ривожланишида мислсиз аҳамият касб этди. Бу даврда турк халқлари тарихига доир Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратуш шуаро”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” номли машҳур асарлари ёзилди, Мирзо Улуғбекнинг астрономия мактаби иш олиб борди ва “Зижи жадиди Кўрагоний” дунёга келди.

2-бошловчи: Илм-фан ва маданият салтанат учун маънавий озуқадир. Буни Амир Темур яхши билган, шунинг учун ҳам у олим ва фозил кишиларни ўзига дўст тутган, уларни ҳурмат-иззат қилган, давлатни бошқаришда уларнинг маслаҳатларига таянган.

”Темур тузуклари”да шундай васият қилади ”...бахтли фарзандларим ва қудратли набираларимга маълум бўлсинким, мен саййидлар, уламо, машойих, оқилу-донолар, муҳаддислар, тарихшуносларни сара ва эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату-ҳурматларини ўрнига қўйдим”.

Бугун сизлар билган, миллатимизнинг фаҳри, ифтихори бўлган бобомиз Амир Темурнинг қилган савоб ишларидан бир қирраси, у кишининг

илм-фан ва маданиятга қилган ҳомийликларини таҳлил қиламиз ва хулосалар чиқарамиз.

1-талаба:Тарихчилар Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ ва бошқаларнинг гувоҳлик беришларича, Амир Темур ўз саройига етук олимларни, хусусан илоҳиёт олимларини, фақиҳларни, фалакиёт(астрономия), тиббиёт, риёзиёт(математика), фалсафа, тарих, мусиқашунослик, илми аруз фанларининг етук намоёндаларини тўплаган.” Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Темур”(“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) китобида бу олимлар ҳақларида қисқа, лекин жуда қимматли маълумотлар топиш мумкин. Улар илоҳиёт олимлари Жалолуддин Аҳмад ал-Хоразмий, фикҳ олимлари Абдулмалик, Исомиддин ва шайх Шамсуддин Муҳаммад Жазоирий, илоҳиёт олими мавлоно Аҳмад, мусиқашунослар ота-бола Абдулқодир ва Сафиуддин Мароғий, мусиқашунос Ардашир Чангий, шунингдек файласуфлар Саъдуддин Тафтазоний ва Мир Саид Шариф Журжоний, йирик тарихчилар Низомиддин Шомий ва Ибн Арабшоҳ Ҳофизи Аbru ва бошқалар. Манбаларда, шунингдек, моҳир рассомлар Пир Аҳмад Боғишамолий билан Абдулхай Боғдодийларнинг номлари ҳам зикр этилган. Бу олимлар бизгача номлари етиб келганлари. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, китобларга киритилмаган, лекин саройнинг олди олимларининг сон-саноғи йўқ, Амир Темур илм-фан ва маданиятнинг ривожига фойдаси тегиши мумкин бўлган ҳар бир тирик жонни Самарқандга келтиртирган, уларга шароит яратиб берган, ҳомийлик қилган ва шу орқали жаҳон фани ва маданияти тараққиётига ўз улушини қўшган.

2-талаба: Мавлоно Абдулмалик машҳур “ал-Ҳидоя” муаллифи Бурҳониддин Марғинонийнинг авлоди бўлиб, мударрислик қилган. Мадрасадан бўш вақтларида одамларни шатранж ва нард ўйинларига ўқитган, шеърлар ёзган.

Ҳадисшунос олимлардан шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жазоирӣ бўлиб, Амир Темур уни Румдан олиб келган. У Шерозда вафот этган.

1393 йили Амир Темур Шероздан бир нечта олимларни олиб келтиради: улар Саъдуддин ат-Тафтазонӣ ва Мир Сайид Шариф Журжонийлар катта файласуф олимлардан бўлишган. Улардан араб ва форс тилларида ёзилган рисолалар, фикҳ, астрономия ва фалсафага оид китоблар қолган.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ Темур замонасида ўтган тафсирчи олим, муҳаддис ва қори ҳожа Муҳаммад Зоҳид Бухорий ва мавлоно Фаҳруддинларнинг номларини ҳам ҳурмат билан тилга олади.

3-талаба: Амир Темур давридаги илм аҳлини эслаганда йирик олим хожа Муҳаммад Порсонӣ эсламай бўлмас. У Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намоёндаларининг ҳаёт ва кароматлари ҳақида, умуман тасаввуфнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб асарлар муаллифидир. Унинг “Рисолаи кудсия” (“Кудсий калималар ҳақида рисола”), ”Мақомати хожа Алоуддин Аттор”, ”Фасл ул-хитоб” (“қатъий хитоб”), ”Маҳақ ал-орифин” (“Маърифатли кишиларни фарқловчи маҳақ тоши”) (Маҳақ тоши – кумуш ва олтинга суртилиб, уларнинг соф ёки қалбакилини аниқловчи махсус тош экан- муалл. изоҳи), ”Таҳқиқот” (“Ҳақиқатни излаш”), ”Рисола” каби муҳим асарлари ўз замонидаёқ илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қозонган.

4-талаба: Ҳамма даврларда ҳам тиббиётга, табибларга муҳтожлик бор. Айниқса ўша замонларда – уруш-талашлар кучайган бир даврда табиблар ва Дор уш-шифо (шифо уйлари)га эҳтиёж жуда кучайган. Табиблар ва шифокорларга эътибор кучли бўлган. Тарихий манбаларда Темур ва Темурийлар даврида жуда кўп моҳир табиблар яшаганлиги ва тиббиётга оид муҳим асарлар ёзилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Булардан табиблар сардори мавлоно Фаррух, мавлоно Жалолуддинлардир. Замонасининг яна

бир моҳир табибларидан мавлоно Аҳмаднинг номини тарихчи Ибн Арабшоҳ алоҳида ҳурмат билан тилга олади: ”У мисгар ва юлдузларга қараб ҳисоб оладиган, инсон тақдирини белгилайдиган олим киши эди. Ул зот менга – “мен юлдузларга қараб икки юз йилга ҳукми толеъ чиқардим”,- деган эдилар”.

5-талаба: Амир Темур ва Темурийлар даврида тарих фани жуда тараққий қилган эди. Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг “Зафарнома”си, Ғиёсиддин Али Яздийнинг ”Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон”, Ҳофизи Абрунинг “Зайли Зафарнома”(“Зафарнома”га илова), Тожиддин ас-Салмонийнинг “Тарихнома”си, Мирзо Улуғбекнинг ”Тарихи арбаъ улус”(“Тўрт улус тарихи”), Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-сайъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн”(“Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи ва икки азим дарёнинг кўшилиш ўрни”), Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” (“Поклик боғи”), Хондамирнинг “Ҳабиб ус сияр фи ахбор ва афрод ул-башар”(Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли”), Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ”Бобурнома” асарлари ўша даврнинг энг сара илмий маҳсулидир.

6-талаба: Миллатимизнинг фари, миллий ифтихори бўлган Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳаммамиз яхши биламиз. Айнан шу даврда меъморчилик ҳам махсус илм даражасига кўтарилди. Мухташам бинолар, кўркам иморатлар меъмор-муҳандислар томонидан аввалдан тузилган лойиҳалар асосида, Амир Темурнинг бевосита раҳбарлигида қурилган. Улар нафақат бетакрор ҳусни-чиройи, балки мустаҳкамлиги жиҳатидан ҳам жуда аҳамиятга молик бўлган. Бу биноларнинг баъзилари ҳатто бизнинг замонамизгача етиб келган ва шаҳарларимизни безаб турибди. Мустақиллик шарофати билан уларни қайта таъмирлаш ва келгуси авлодларга ҳам қолдириш имконияти топилганидан фахрланамиз.

7-талаба: Темур ва Темурийлар даврида ҳуснихат билан кўчирилган китоблар, биноларга ёзилган нақшин хатлар сақланган. Айниқса,

сангтарошлар, ёғочметалл ва тошга ўйиб хат ёзувчи моҳир ҳаттотлар кўп бўлган. Машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ улардан ибн Бандгир, Абдулқодир, юқорида исми-шарифи тилга олинган “Тарихнома” китобининг муаллифи Тожуддин ас-Салмоний ва уста Олтуларни тилга олиб ўтган.

8-талаба: Темур ва Темурийлар замонида халқ амалий ва миниатюра санъати ҳам кенг ривожланган эди. Шоҳи зиндадаги Ширинбека-оға ва Туман-оға мақбаралари деворларига ишланган нақшлар, Гўри Амирга кўйилган чироқдан, Абулқосим Фирдавсийнинг бебаҳо “Шоҳнома”си, ”Эрон шоирлари антологияси”га ишланган миниатюралар туркистонлик рассом ва наққошларнинг баланд дид ва истеъдодининг маҳсулидир. Самарқандлик рассом ва ҳаттотлар орасида уста Абдулҳай, Пир Аҳмад Боғишамолий ва хожи Бандгир Табризийларнинг номи санъатимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу катта ишларга бевосита бош бўлган Соҳибқирон бобомизнинг улушлари бизга улар билан фахрланиш туйғуларини сингдиради, уларга муносиб ворислар бўлишга ундайди.

9-талаба: Туркистондаги ҳожа Аҳмад Яссавий ва Шоҳи зиндадаги мақбараларга тегишли буюмлар, уларнинг ўймакор эшикларидан кўрамизки, Амир Темур даврида усталар ёғоч ва тошга ўйиб нақш солувчилар; олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан ишланган зеб-зийнат ва уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришда ҳам зўр шуҳрат қозонганлар.

10-талаба: Айнан шу Х1У асрнинг иккинчи ярми ва ХУ асрларда Мовароуннаҳр билан Хуросонда адабиёт ва адабиётшунослик ҳам кенг ривож топди. Бу ҳақда машҳур адабиётшунос олим Давлатшоҳ Самарқандий ва Алишер Навоийнинг ”Тазкират уш-шуаро” ва “Мажолис ун-нафоис” асарларида қимматли маълумотлар келтирилади. Мазкур тазкираларда жуда кўп адабиёт намоёндалари ва адабиётшуносларнинг, масалан, Ҳожа Абдулмалик Самарқандий, Бисотий Самарқандий, Ҳожа Исматулла Бухорий, Ҳиёлий Бухорий, Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Саккокий ва бошқаларнинг номлари келтирилган. Лекин, афсуски, буларнинг айримлари,

масалан, Абдулмалик Самарқандий, Бисотий Самарқандий, Ҳожа Исматулла Бухорий ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Қисқача маълумотларда ўқиймизки, Ҳожа Абдулмалик Самарқандий Темур замонида шайх ул-исломлик лавозимида турган, лекин етук ғазалнавис шоир ҳам бўлган; Бисотий Самарқандий билан Хиёлий Бухорийнинг бўйра тўқувчилик билан тирикчилик қилганларини биламиз, холос.

11-галаба: Амир Темурнинг шахсан ҳомийлигида олимлару-шоирлар, маданият ва санъат намоёндалари гуркираб ижод қилдилар. Мавлоно Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Саккокий ва бошқалар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлганлигимиз боис, уларни эсласак, руҳларини шод қилсак, ўзбекларимизнинг фахри, миллий ифтихори сифатида чуқурроқ ўрганишни мақсад қилсак.

Мавлоно Лутфий XIУ-ХУ асрлардаги ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намоёндаси бўлиб, ўзбек, форс ва тожик тилларида асарлар ёзган. Шоир Алишер Навоий билан жуда яқин таниш бўлган, уларни устоз-шогирд муносабатлари боғлаб туради. Бизгача унинг катта лирик асарлари етиб келган. Лутфийнинг адабий меросида дostonлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шулардан бири 1411 йилда яратилган ”Гул ва Наврўз”дир. Ахлоқ-одоб мавзуида ”Машқун ул-ҳақойиқ”номли асари эсланади. Лутфий мусиқа тарихи билан ҳам шуғулланган, куйлар басталаган. Мамлакатимизда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, шунингдек, Қўлёзмалар институти фондларида Лутфий девонининг ўнлаб нодир нусхалари сақланади. Ушбу манбалар девоннинг Лондон ва Париждаги нусхалари билан солиштирилиб, унинг қатор “Сайланма” нашрлари яратилди. Лутфийнинг ”Сенсан севарим” тўплами сўнгги ўн йилликда нашр этилган девонидир. Аллоҳ ўзи яратган жонзотлар ва мавжудотлар орасида инсонни бир юқори поғонага кўтарди. Унга ўз нурини берди. Инсон шу сабабли ҳам азиздир. У ҳусн бобида ҳам “мазҳари сунъи илоҳдир”. Инсон шу қадар мўътабарки, Аллоҳ унинг юзида ўз аксини кўради:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,

Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Лутфий шеърляти, унинг ижоди, салкам 100 йиллик умри, шахсий ибрати – булар алоҳида бир дарслик, алоҳида мунозара ва ўрганишларни талаб қиладиган масала.

Биз ёшлар бу боболаримиз билан фахрланамиз, шундай талантларнинг юзага чиқишига ҳомийлик қилган Амир Темур ҳазратларини доимо ёдда сақлаймиз.

Илм-фан ва маданиятга ҳомийлик қилиб ўзбек халқини жаҳонда ўз ўрни бўлишига сабабчи бўлган Соҳибқирон Амир Темур бизнинг миллий ифтихоримиздир.

12-галаба: Ўзбек мумтоз адабиётида ёрқин из қолдирган, бетакрор ғазаллар ва қасидалар яратган етук истеъдод эгаси, лирик шоир Саккокий ҳақида ҳам фикрларимизни ўртоқлашсак. Шоир ижодининг гуллаган даври Улуғбек ҳукмронлик қилган даврларга тўғри келади. Бир неча бор таъкидлаб ўтганимиздек, Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият ходимларига барча шароитлар яратилган. Саккокий ҳам Улуғбекдан паноҳ топган алломалар сирасига кирган, ўз ҳомийсига атаб қасидалар битган, шундай маърифатпарвар подшоҳ билан замондош бўлганидан фахр ҳиссини туйган:

Фалак йиллар керак сайр этсаю келтирса илкига,

Менингдек шоири турку сенингдек шоҳи донони.

Саккокий лирикасининг асосий тематикаси севги-муҳаббатни шарафлашдан иборат бўлган. Шоирнинг гўзал шеърларини ёд олмоқ, усталик билан фойдаланилган сўз ўйинларидан баҳра олмоқ, унинг ўзбек шеърлятидаги ўрнини ва аҳамиятини англаб етмоқ ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг воситаларидан бири бўлади, деган фикримиз бор.

13-галаба: Ўзбек шоири Дурбек, Гадоий, Атоийлар ижодини ўрганиш ҳам жуда аҳамиятли, деб ўйлаймиз. Темур ва темурийлар даврининг истеъдодли шоири, асли Балхлик Дурбекнинг ”Юсуф ва Зулайхо”достони жуда шуҳрат қозонган. Гадоийнинг ягона девонининг асл нусхаси ҳозирда Париж миллий кутубхонасида сақланмоқда. Атоий – лирик шоир бўлиб, унинг ғазаллари содда ва равон тилда ёзилган. Шу жиҳатдан у халққа жуда яқин. Девонини ўқиганмиз.

1-бошловчи: Жуда узоқ йиллар давомида соҳибқирон Амир Темур номи тилга олинмади, тарих дарсликлари, адабий асарлардан чиқариб ташланди. Собиқ СССРда Темур шахси ва темурийлар даври ҳақида гапилганда, тирноқ остидан кир қидирилди, унинг фақат салбий томонларига урғу берилди. Академик Иброҳим Мўминов ”Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни” рисоласи учун бадном қилинди ... Амир Темурнинг ва бошқа темурийларнинг гўрлари ковланиб, суяклари ағдар-тўндар қилинди. Бу ўзбек миллати шаънига ва тарихига адолатсиз ёндашувнинг замирида авлодларни аجدодлардан айириш, миллат ўз томирларини билмаслиги учун қилинган ҳаракатлар эди.

2-бошловчи: Мустақиллик шарофати билан, шахсан юртбошимиз бошчилигида бу ноодилона муносабатга чек қўйилди, ёшларимиз тарихни ишончли манбалардан ўқиб ўрганишлари имконияти туғилди. Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари, илм-фан ва маданият ишларига қилган хомийликлари, шахсий ҳаётини мисол қилиб тўла ишонч билан айта оламизки, Амир Темур бизнинг миллий ифтихоримиз, унинг ҳаёти ва фаолияти билан фахрланамиз, унга муносиб ворислар бўлиб, миллатимизнинг келажаги йўлида ўқиймиз, ишлаймиз ва ҳаёт кечирамиз.

**ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОРИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ
ВОСИТАЛАРИ**
(Давлатни бошқаришнинг тарихий меросимизга асосланиши ҳақидаги
маъруза)

Ҳозирги замонавий педагогика таълим тизимининг тубдан ўзгарилишини талаб қилмоқда. Шаклан ва мазмунан бутун дунё андозалари даражасига чиқиши кўзланаётган таълим тизимимиз авлод-аждодларимиздан бизга мерос урф-одат ва анъаналарга мос келиши, тарихий ва маънавий бебаҳо хазиналаримизни чуқурроқ англаб етишимизга имкониятлар яратилишини кўзламоқда. Баданида кимларнинг қони оқаётганини яхши англаган, моддий ва маънавий меросимизнинг асосларини чуқур билган шахсгина баркамол инсон даражасига кўтарилади, ўз она юртининг келажаги, гуллаб яшнаши учун жон фидо қилади, миллий ифтихор туйғусининг асл мазмунини тушуниб етади. Бу борада қилинаётган ишлар сирасига талаба ёшларни ўзбек миллати тарихи, унинг маданияти билан таништириш, ҳар хил шаклдаги шу мавзуга оид дарслар ва дарсдан ташқари машғулотлар ташкил қилиш кабилар киради.

Масаланинг аҳамиятли томони шундаки, маърузачи фақат ўқитувчи эмас, балки талабаларнинг ўзлари ҳам олдиндан тайёрланиб, қўшимчалар қилиш имкониятга эга бўладилар.

Маърузачи: Ислом Каримов ”Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” китобида: ”Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”,- деб таъриф беради давлат бошқарувига (И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.43-бет).

Буни бошқача қилиб тушунтирадиган бўлсак, давлатимиз, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устуворлигига асосланадиган, инсонпарварлик қоидаларини тан олган демократик давлат ҳисобланади.

Иккинчи томондан: давлатимиз фуқаролар осойишталиги ва миллий тотувликни таъминлашни ўзи учун мақсад қилиб қўйган тинчликсевар давлат.

Учинчи томондан: миллатимизнинг бой ижтимоий-маънавий меросига, миллий, маданий-маънавий, ахлоқий, тарихий қадриятлари, миллий урф-одат, удум ва анъаналарига таяниб иш тутадиган инсонпарвар давлат.

Тўртинчи томондан: ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни чуқур англаб ва ҳис қилиб фаол ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган давлатдир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қарор тапаётган давлат – бу ҳуқуқий демократик давлатдир.

Мустақил давлатимиз шаклан ўтмишдаги тарихий типларига ўхшамасада, ўзининг мазмуни, туб моҳияти, кенг халқ оммаси мақсадларини, манфаатларини инобатга олиб иш кўриши, қандай ижтимоий кучларга таяниши, халқи, фуқаролари олдидаги бурчи ва масъулиятининг ниҳоятда катталиги, шунга ўхшаган бошқа хусусиятлари билан ҳуқуқий бўлмаган давлатлардан кескин фарқ қилади.

Умуман, дунёдаги бирор бир давлат бошқаларига айнан ўхшамайди, давлатлар бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Бизнинг мустақил давлатимиз очик, эркин, адолатли, демократик давлат. Аввалги шўролар давлатининг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмасди. Ўз халқининг тарихини, унинг руҳиятини ва урф-одатларини, ўзининг авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди эски тузум. Шу боисдан ҳам у давлат билан халқ манфаати ўртасида мунофиқлик йўқ эди.

Бугунги давлатимиз буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига, ўтмишдаги бой анъаналаримизга асосланганлиги ва бошқа бир қатор муҳим хусусиятларига кўра ўтмишдаги давлатдан кескин фарқ қилади.

Давлатчилигимиз, биринчидан, Туркистон халқлари давлатчилигининг бир неча минг йиллик тарихи, унинг қадимий анъаналарига асосланаётган бўлса, иккинчидан, дунё халқларининг илғор демократик ғоялари ва бой тажрибаларига суянмоқда.

Ўзбекларнинг маданияти ва давлатчилиги тарихи жуда бой ва қадимийдир. Унинг тарихий илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади, уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади.

Тарихий манбаларда дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири Туркистонда пайдо бўлганлиги, у қадимги Хитой, Ҳиндистон, Бобил цивилизациясига тенгдош эканлиги айтиб ўтилган. Ер юзида маданий тараққиёт йўлига кирган ўлкалар бармоқ билан санарли даражада кам бўлган қадим замонларда ҳам туркистонликларнинг авлод-аждодлари Зардушт динининг асосий манбаи – ”Авесто” китобини ёзиб, жамиятни муайян қонун-қоидалар асосида бошқариш, дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, аҳилликда яшашни уқтирганлар.

Тарих дарсларида барчангиз ўқигансиз, азал-азалдан аждодларимиз, ўша неолит давриданок, ёввойи ҳайвонлар-қорамолларни хонакилаштириб, чорва маданиятини яратганлар. Ўтроқ меҳнат билан кун кечириб, деҳқончилик маданиятини дунёга келтирганлар. Ўнлаб километрга чўзилган улкан каналлар қазиб, тўғонлар қуриб, ҳовуз ва сардобалар яратиб, сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ўсишига имконият яратганлар, табиатни ўзлаштириб, гулу-гулзорга, боғ-роққа айлантирганлар.

Ҳозирги Марказий Осиё халқларининг энг қадимги ота-боболари – ибтидоий жамоа тузумидаёқ овчилик ва балиқчилик, кейинчалик эса чорвачилик билан шуғулланиб келган авлод-аждодларимиз айнан бизнинг қадимги ўлкаларимиз Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Марғиёна, Парфия, Амударёнинг қуйи оқими, Зарафшон воҳалари, Паркана(Фарғона) ва бошқа жойларда яшаганлар.

Бундан тўрт минг йил аввал йирик шаҳарлар, мустаҳкам қўрғонлар ва истеҳкомлар пайдо бўлган. Мароканд (Самарқанд), Киропол (Ўратепа), Тошкент, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларимиз қадим-қадимлардан дунёга маълум ва машҳур бўлганлар. Ўтмишда бу шаҳарлар Хитойдан Испаниягача, Европадан Ҳинд океанигача алоқа боғлаган.

Эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви, Юнон ёзуви ва форсий миххат, улар негизида кейинчалик авеста, хоразм, суғд, кушан, урхун-енисей, уйғур ёзуви, ва бошқалар вужудга кела бошлаган. Давлатчиликда ёзувнинг пайдо бўлиши жуда катта аҳамиятга молик масала, албатта. Ёзув пайдо бўлиши, энг аввало, ҳаёт тажрибаларини ва билимларни кейинги авлодларга етказиш имкониятини яратади, кўлёмалар ёзиш, китоб чоп этиш имкониятлари туғилади.

Қадимий Туронда маданият ва маънавият билан бир қаторда дунёвий илм – математика, астрономия, жўғрофия, фалсафа, тиббиёт, тарих фанлари ҳамкорликда ривожланган, мусиқа асбоблари яратилган, календар ихтиро қилинган.

“Байт –ул ҳикма” деб аталган илмий муассаса ташкил қилиниб, унда 500 дан ортиқ аждодларимиз – буюк мутафаккир ватандошларимиз фаолият кўрсатганлар. Ислом маданиятини буюк маданият даражасига олиб чиққанлар ҳам бизнинг Турон фарзандларимиз бўлганлиги - миллатимиз давлатчилигининг қадимларга бориб тақалиши ва унинг асослари ниҳоятда мустаҳкам эканлигини исботлайди.

Тарихни ўқиб, қайта-қайта гувоҳи бўлганимиздек, насл-насабимиз жуда қадим-қадимларга бориб тақалади. Энг қадимги тарихий ёдгорликларда, юнон, хитой, ҳинд ва арман тарихчиларининг китобларида, Авесто, Бехистун, Бундахшин, Урхун-енисей битиклари каби алломаларимизнинг асарларида бу ҳақда кўпгина маълумотлар сақланган. (Қаранг: Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қиссаи Рабғузий. 1 жилд. - Тошкент, ”Ёзувчи” нашриёти, 1990, 41-45-бетлар).

Буюк бобомиз Амир Темур ўзининг ”Таржимаи ҳоли”да: ”Бизнинг аждодларимиз Абул Турк Ясафнинг ўғли, Нуҳнинг набираси ва туркларнинг буюк хони эди”,- деб ёзган эди. (Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. Тошкент, ”Нур”, 1992, 35-бет). У яна аждодларимиз ҳақида:

“Бизким – мулки Турон,

Амири Туркистон биз,

Биз ким – миллатларнинг

Энг қадими ва улуғи

Туркнинг бош бўғини биз”,- деб айтади.(Амир Темур ўғитлари. Тошкент, ”Наврўз”, 1992, 9-бет.)

Барчангизга яхши маълумки, бобокалонимиз Амир Темур, у кишининг давлатчилик, давлатни бошқариш борасидаги васиятлари, ўғитлари, шахсий ибратлари ҳозирги кунда ҳам давлатни бошқаришда ота-боболаримиз тажрибаларига амал қилиб иш тутаётган муҳтарам ҳукумат бошлиқларига кўл келмоқда. Энди дарсимизнинг мунозара қисмига ўтсак.

1-талаба: Темур давлати ўз даврида нисбатан марказлашган давлат бўлган. Давлатни тузишда амал қилиниши зарур бўлган бир қатор шартлар мавжуд бўлган:

1-шарт: Давлатнинг асосчиси Амир Темур кўзда тутганидай, мамлакатдаги барча ижтимоий табақалар (саййидлар ва руҳонийлар, олимлар ва фозиллар, хунар аҳли, зироатчилар, сипоҳийлар, савдо-сотик аҳли ва бошқалар)нинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилиши, маслаҳат ва кенгаш ила қаттиқ қўллик билан бошқарилиши керак бўлган.

2-шарт: Салтанатнинг тўрт асосий устунини тўғри англаш ва унга суяна билиш. Гап қуйидаги устунлар ҳақида бормоқда: 1) ислом ва шариат ақидалари; 2) қадимдан амалда бўлган одатлар – тузуклар, қонун устуворлиги; 3) хазина; 4) райят, яъни, меҳнаткаш халқ.

Амир Темур давлатни шакллантиришда, уни бошқаришда салтанатнинг шу тўрт устунига суяниб иш тутди.

2-талаба: Эл-юртининг тақдири, меҳнаткаш халқнинг турмуш тарзи кўп жиҳатдан марказий давлат тузуми, унинг шаҳар, вилоят, туман ва катта-кичик қишлоқлардаги идораларининг иш юритишига боғлиқдир. Ундан ташқари ўша муассаса ва идораларда хизмат қилаётган мансабдор шахсларнинг насл-насаби, имонли, инсофли, халқпарвар, тадбиркор бўлишларига ҳам боғлиқдир.

Амир Темурнинг фикрича, ҳукуматни бошқариб турувчи вазирларга куйидаги сифатлар хос бўлиши керак: 1) асиллик ва тоза наслик; 2) ақл-фаросатлилик; 3) оддий меҳнаткашнинг ҳолидан хабар олиб туриш, уларга яхши муомалада бўлиш; 4) сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлилик.

“Темур тузуклари”ни ўқиймиз:

“Кимки шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши, деб билсинлар, уни вазир ёки маслаҳатчи қилиб тайинласинлар, мамлакат ишларини, сипоҳ ва райят ихтиёрини унга топширсинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва қудрат(ҳокимият) берилсин” (“Темур тузуклари”, 94-бет).

3-талаба: Соҳибқирон ҳазрат Амир Темур маҳаллий ҳокимиятларда ҳам имон-инсофли, ишбилармон одамларни кўйдирди, улардан эл-юртни муҳофаза қилиш, меҳнаткаш халқнинг мол-жонини ҳимоя қилиш, солиқ ундирувчиларнинг уларга муомаласидан хабар олиш, юртни обод қилиш, шу манзилдан ўтаётган карвонларни кўриқлашни қаттиқ талаб қилди. Бу ҳақда “Темур тузуклари”да шундай ёзилади: “Маҳаллий ҳокимлардан катта-кичик шаҳарлар ва қишлоқларда масжид, мадрасалар ва хонақоҳлар бунёд этиш, фақир-мискинлар учун лангархоналар қуриш, беморлар учун шифохоналар қуриш топширилсин”, ёки “Амр қилдимки, райятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш лозим. Негаки, райятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз

навбатида, салтанатнинг кучсизлигига олиб келади” (Темур тузуклари,95-бет).

4-талаба: Темурийлар давлати ҳам қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи тизимлардан ташкил топган.

Қонун чиқарувчи тизим – қурултой деб айтилган, у асосан йирик турк-мўғул қабилаларининг йўлбошчилари иштирокида ўтган. Уни олий ҳукмдор ўзи хоҳлаган вақтида чақирган. Уруш ва сулҳ, подшоҳнинг сайланиши каби масалаларни қурултой муҳокама қилган ва қонунлаштирган.

Давлатнинг ижроия тизими қурултой қабул қилган қарорларни, подшоҳ фармонларини ва давлатнинг кундалик юмушларини ҳаётга татбиқ этган.

5-талаба: Тарихий манбаларда келтирилишича (“Темур тузуклари”да ўқиймиз) Темур давлатини тўрт вазир бошқарган:

1) Мамлакат ва райят вазири. Халқнинг аҳволдан хабар олиб турган, мамлакатнинг муҳим ва кундалик ишларини бажарган, вилоятлардан йиғилган қирим-чиқим, олиқ-солиқлар ва уларни тақсимлаш, мамлакат ободончилиги ва райятнинг фаровонлигини, мамлакатнинг умумий аҳволини назорат қилиб турувчи вазир бўлган. Уни бош вазир деб аташ мумкин.

2) Сипоҳ вазири. Сипоҳларнинг аҳволи, уларни юришлар олдида тўплаш, жойлаштириш, озиқ-овқат ва ҳарбий-аслаҳа билан таъминлаш, уларнинг маоши ва нафақаларини ўз вақтида етказиб бериш билан шуғулланган.

3) Эгасиз қолган ер-сув, мол-мулкни, ҳақиқий меросхўрлари топилгунча, тасарруф қилиб туриш, шунингдек савдогарлардан олинадиган бож-хирож ва яйловдаги мол-қўйдан олинадиган закот ундириш билан шуғулланган учинчи вазирлик девони саркор деб аталган.

4) Салтанат ишларини, яъни давлат идораларининг сарф-харажатлари, подшоҳнинг турли маросимларга кетган сарфлари, хазинадан қилинган

сарф-харажатлар билан шуғулланган тўртинчи вазирлик девони мушриф деб аталган.

Машхур тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг ”Амир Темур дарслари” китобида шундай маълумотлар келтирилади (52-бет). ”Тузуқлар”да чегара ерлар ва тобеъ мамлакатларни бошқариш ишларига масъул этиб яна учта вазир тайинланганлиги айтилади. Лекин, уларнинг номлари номаълум. Фикримизча, улардан бири хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган муносабатларга бошчилик қилган олий давлат муассасаси – девони иншо, ёки девони рисоил, деб аталган. Шунингдек, девони мушриф (махсус назоратчилар девони) ва девони кузат (адлия ишлари девони) каби олий давлат муассасалари ва шу ишга нозирлик қилган вазирлар ҳам бўлган, албатта”.

6-талаба: ”Темур тузуқлари” ни ўқир эканмиз, қабул маросимлари, салтанат саройида вазирлар, амирлар, уламо ва бошқа тоифа кишиларнинг ўлтириш тартиби ҳам қатъий белгиланган.

Тож-тахт ва подшоҳни мажлисдагилар худди ойни кўрғонлагандай ўраб ўлтирганлар. Подшоҳнинг ўнг томонидан унинг ўғиллари, набиралари, яқин қариндошлари, даража ва мартабаларига қараб ўлтирганлар. Саййидлар, шайхлар, қозилар, уламолар, ва бошқа улуғ зотларнинг ўрни ҳам шу тарафда бўлган.

Қўшин бошлиқлари, амир ул-умаро, бекларбеги, нўёнлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, улус ҳамда туман бошлиқлари тахтнинг сўл тарафидан жой олганлар. Девонбеги, вазирлар, ўзга мамлакатдан келган элчилар тахтнинг қаршисида ўлтирганлар. Элу улуснинг калонтарлари (катталари) ва кадхудолар, уларнинг орқасидан баҳодирлар, атоқли ўғлонлар тахт орқасининг ўнг томонида, қоровулбегилар, тахт орқасининг сўл тарафида турганлар. Катта чодир эшик олдида, тахтнинг тўғрисида подшоҳнинг хос хизматкорлари, подшоҳнинг хусусий ясовули, додхоҳлар тик туришган.

7-талаба: Амир Темур давлатчилиги ҳақида гапирганда қонун устуворлиги ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ, деб ҳисоблайман. Соҳибқирон бобомизнинг ”Менинг салтанатимнинг у четидан бу четига, бошида олтин тўлдирилган лаганни ёш бола кўтариб ўтса ҳам, унинг мулкига ҳеч кимса дахл эта олмайди”,-деб ишонч билан айтишларида, дўконларга савдогарларнинг умуман қулф осмасликларида (қаранг:Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар,101-бет) асос бор, албатта. Қадим-қадимдан ўзбек халқининг ҳам, оила, мол-мулк, мерос, давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи, жинойт ва жазо масалаларига тегишли қонун-қоидалар бўлган. Шу масалалар бўйича ажрим чиқарадиган идоралари бўлган. Масалан, қозилар ўз фаолиятида фақат ислом ва шариат кўрсатмалари, ёсо – ёсун ва тузукларгагина таяниб қолмай, балки улуғ фақиҳлар ёзган қўлланмалар ва фатволарга ҳам таяниб иш юритганлар.

Жинойтга тортилувчининг айби фақат тўрт нафар гувоҳ олдида исбот қилингандан кейингина ҳукм чиқарилган.

8-талаба: Шу ўринда бир нарсага эътиборни қаратишингизни сўрайман. Амир Темур даврида қонун устуворлигининг асосий сабабларидан бири – қонун барчага – вазирга ҳам, амирга ҳам, ҳокимга ҳам, ҳаттоки шахзодага ҳам баробар бўлган. Шарофиддин Али Яздийнинг ”Зафарнома”сида шундай маълумотларни ўқиймиз: Ғарбий Эрон ва Озарбайжон ҳокими Мироншоҳ мирзо маишат ва кайфу-сафога муккасидан кетиб, давлат ишларига эътибор қилмай қўйганлиги учун лавозимидан олиб ташланган, атрофидагиларнинг баъзилари эса олий жазога ҳукм қилинганлар. Форс ҳокими Пирмуҳаммад султон етти йиллик уруш пайтида сусткашликка йўл қўйгани учун у ҳам эгаллаб турган мансабидан олиб ташланган.

9-талаба: Амир Темур айтганларидай, миллатларнинг энг қадимгиси ва улуғи туркистонликлар бундан бир неча минг йилликлар илгари Марказий Осиёдан то Эгей ва Атлантика денгизигача, улардан Тинч океани соҳилларигача, Шимолий Муз океанидан то Ҳинд океани соҳилларигача

бўлган ерларда яшаган. Ўша ҳудудлардаги кўплаб жойлар ҳозиргача туркий номлар билан аталиб келинмоқда.

Тарихда аждодларимиз ўзини-ўзи мустақил бошқарган, ўз тақдирини бировларнинг измисиз ўзи ҳал этган.

Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида арабларгача ва ундан кейинги даврларда Суғд, Парфия, Таҳористон, Бактрия, Чоғониён, Хоразм, Шош, Фарғона, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжукийлар, Ғазнавийлар ва бошқа кўплаб давлатлар бўлиб, жаҳон маданиятининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшишган.

10-галаба: Бизда давлат мустақиллигининг барча анъанавий белгилари – миллий пули, давлат рамзлари, миллий байроғи, ўзининг алоҳида ҳудуди, уни қўриқлайдиган қўшини, Конституцияси, бошқарувнинг ўзига хос услублари, анъаналари, мафқураси бўлган ва давлатни бошқаришда уларга тўла амал қилиниб келинган. Ўрта асрчилик даврида Яқин ва Ўрта Шарқда, Туркистонда яшаб ижод этган тарихчи, адабиётшунос, файласуф, қонуншунос, ҳуқуқшунос, муҳаддис, жамики доно-ю-донишмандларнинг асарларида давлат идора ишларига раҳбарлик қилиш, ҳокимларнинг фазилатлари, ҳукмдорлар ахлоқ-одоб ҳақида, мамлакатнинг тартиб-усули, беклар ва амирларнинг инсоний фазилатлари ва зийнати ҳақида қўлланмалар, панд-насихатлар, ўғитномалар, фалсафий йўл-йўриқлар яратилган. ”Донишнома”, ”Ҳиндистон”, ”Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, ”Шоҳнома”, ”Қобуснома”, ”Сиёсатнома”, ”Қутадғу билиг”, ”Зафарнома”, ”Ҳидоя”, ”Темур тузуклари”, ”Хамса”, ”Бобурнома” каби жаҳон адабиёти дурдоналари сафидан муносиб ўрин олган нодир асарлар шулар жумласидандир.

11-галаба: XI асрнинг атоқли шоири ва донишманди Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг”(“Саодатга элтувчи билим”) асарида ҳокимият ва ҳукмдорлар ҳақида, мансабдорлар ўз бурчларини қандай бажаришлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини баён этадилар. Ёзилишича,

бек давлатнинг ягона ҳукмдори бўлиб, унинг амри-иродаси барча учун қонундир. Ҳукмдор худонинг хоҳиши билан беклик мансабига эришган кишидир. Худо кимга бекликни раво кўрса, унга шу ишга яраша ақл-идрок, фаросат ва кўнгил беради.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳукмдорларнинг сифат ва фазилатларини, бурч ва вазифаларини кўрсатиб ўтади. Ҳукмдор олий мансаби билан фахрланиши, чуқур масъулият ҳис қилиши, мамлакатнинг осойишталиги ва тинчлигини таъминлаши, мамлакат учун фойдали қонун-қоидалар таъсис этиши ва уларни амалга ошириши, илм-маърифат аҳллари химоя қилиши керак, деб уқтиради. Юсуф Хос Ҳожиб амалдорларга хос бўлган асосий хислатлар: оқиллик, донишмандлик, тadbиркорлик, ватанпарварлик, жасоратлилик, мардлик, мурувватлилик, сахийлик ва бағри кенглик эканлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, юқорида саналган хислат эгалари бошқарган давлат обод, халқи тўқ ва фаровон яшайди.

12-галаба: Биз юқорида тилга олган “Темур тузуклари”ни синчиклаб ўқиб чиқсак, бобокалонимиз Амир Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, кўшинларни ташкил этиш, давлатнинг асосий таянчи бўлган ижтимоий-сиёсий гуруҳлар билан қандай муносабатда бўлиш ҳақидаги ва бошқа масалалар бўйича тажрибалари ва йўл-йўриқлари билан мукамал танишишимиз мумкин бўлади.

Аждодларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо мероси, Амир Темур бобомизнинг доно ўғитлари ва сабоқларини ҳозирги ёш ва мустақил давлатимизни бошқаришдаги ўрни беқиёсдир. Давлатимиз раҳбарининг: ”Биз барпо этаётган давлат, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий кадриятларга асосланиши лозим...

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо

сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим” (И.Каримов.Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, ”Ўзбекистон” ,1995, 9-бет).

Албатта, ҳуқуқий-демократик давлат ҳақида гапирганимизда, Ўзбекистондаги давлат фақат ўз давлатчилигимизгагина эмас, балки бошқа илғор давлатлар, замонавий мамлакатлар тарихига, уларнинг ҳозирги кунда тутаётган йўлларида ҳам хулосалар чиқариб, сабоқ олишни ҳам талаб этади.

Маърузачи: Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлиши, фуқароларининг озод, эркин ва фаровон ҳаётда яшаши кўп жиҳатдан давлат раҳбарларимизга, уларнинг давлатчилик ишларини қай йўсинда йўлга қўйганликлари, тарихдан бизга мерос давлатчилик асосларидан ўзларига мослаб олиб, уларни дастури амал қилиб, уларга риоя қилишлари, буюк алломаларимиз санаб ўтган инсоний фазилатларни ўзларида намоён қила олишлари, халқнинг манфаатини биринчи ўринга қўйиб иш кўришлари – булар барчаси мустақил мамлакатимизнинг гуллаб яшнашида муҳим омиллар ҳисобланади.

МИЛЛИЙ ИФТИХОР КУЙЧИСИ

(Саид Аҳмад таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган кеча сценарийси)

Салмоқли романлари, қувноқ ва завқбахш ҳикоялари, ичакузди сахна асарлари билан ўзбек адабиётини бойитиб келаётган ёзувчи, драматург Саид Аҳмад Хусанхўжаев таваллудининг 80 йиллиги республикада кенг нишонланди. Адибнинг мураккаб ҳаёт йўли, таланти ва она халқига садоқати айниқса ёшларга ибратдир. У ўзининг замонавий мавзуда ёзилган ҳикояларидан тортиб “Уфқ”, ”Жимжитлик” каби романларида ҳам даврнинг

ҳаётӣ муаммолари ҳақида баҳс юритади. Уларда айниқса миллий ифтихор туйғуси асосий ўрин тутаяди.

Тадбир ўтказиладиган хонада адибнинг китоблари кўргазмаси ташкил этилиб, асарларидан олинган ҳамда улар ҳақидаги фикрлар ёзиб қўйилган шиорлар, деворий газета, фотоальбом, ёзувчи ижодига бағишланган газета-журналлардаги мақолалар тўплами билан безатилди.

Бошловчи: Энг улуғ инсоний фазилатларнинг чўққиси Ватан билан, ўтмишимиз билан фахрланиш, киндик қони тўкилган муқаддас замин билан ғурурланишдир. Ҳаётнинг мазмунини, яшашнинг қадрини кўпроқ англайдиган шахс Ватанни севиш, миллатини қадрлаш, урф-одатларимиз билан фахрланиш, ўзлигини англаш, келажакка ишонч каби туйғуларни тўлиқ тушуниб етган бўлиши керак. Миллий қадриятларни асраб-авайладиган, Ватан, миллат тушунчаларининг моҳиятини тегин англаган шахсгина кучли миллий ғурур соҳиби бўлади, ҳамда мамлакатининг эртанги кунига ишонч билан қарайди.

1-китобхон: Бугун биз халқимизнинг сеvimли ёзувчиси, Ўзбекистон қаҳрамони Саид Аҳмад ҳақида, хусусан, унинг ”Ўқотганларим ва топганларим” деб номланган китоби ҳақида сўз юритмоқчимиз, чунки бу асар миллатимизнинг буюк кишилари билан фахрланиш, уларнинг ҳаёти, ижодининг ибрат бўладиган томонларини ўрганиш ва яна бир бор ўзбекнинг номини юксакликка кўтара олган ва олаётган миллий ғурур ва миллий ифтихорли фарзандлари борлига ҳақида битилган.

2-китобхон: Миллатимизнинг номини ўзининг ибратли ҳаёти, сермахсул ижоди билан жаҳонга танитаётган ёзувчилардан бири Саид Аҳмад: ”Президентимиз қўлидан ”Буюк хизматлари учун” орденини олаётганимда кўнглимдан шундай ўйлар кечди,- дейди, - Эҳ-ҳе, қанча йўллар юрдим, қанча хўрликлар кўрдим. Аммо она юрт соғинчи бир дам бўлсин мени тарк этмади. Олис юртларда илинж билан, умид билан меҳригиёси тинимсиз ўзига тортиб турган Ўзбекистонимга қараб талпиндим.

Ўзбекистон, менинг Ўзбекистоним! Қуёшнинг ердаги яхлит бир парчаси, жаннат деса дегулик юртим, шўрлик юртим, топталган юртим, таланган юртим!

Бағрингдан мени юлқиб олиб кетяптилар. Чўлпонлар, қодирийлар, фитратлар кетган йўлдан олиб кетяптилар.

Жез конлари тагида мис куқунларини ютиб, ўпкаси занглаб оламдан ўтган, жасадлари занглаган тупроққа қўйилган юртдошларим ҳаққи, Сибирнинг қаҳратон совуқларида музлаб қолган, умрини ўрмонларда поёнига етказган беқиёс, доно устозларимиз ҳаққи сенга таъзим қиламан, Ўзбекистон.”(С.Аҳмад. Ўйқотганларим ва топганларим. -Т.: ”Шарқ”, 1999).

3-китобхон: Ёзувчининг ”Назм чорраҳасида” деган китобчаси ҳам устозлар ҳақидаги хотиралардан иборат. Унда, биринчидан, Ғафур Ғуломнинг аввало буюк инсонлиги, файласуф шоир сифатидаги қиёфаси яққол намоён бўлади, иккинчидан, шогирднинг устозига беқиёс меҳри, эътиқоди ҳаммага намуна бўладиган даражада эканлиги киши диққатини ўзига тортади.

Саид Аҳмаднинг ”Ўйқотганларим ва топганларим” деб номланган янги китоби, менимча, шу асарнинг мантиқий давомидир ва уни мен адиб ижодидаги энг яхши асарлардан бири, деб ҳисоблайман. Бу китоб ёшларнинг Ватанга, ўтмишимизга бўлган муҳаббатини оширишга, аждодларимиз меросини авайлаб сақлашга ўргатувчи асарлардан бирига айланиб қолажасига ишончим комил. Ундаги кекса адибнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафаси, устозлар хотираси-ю, уларга бўлган самимий ҳурмат, эҳтироми китобхонни ўзига тортмай қўймайди.

4-китобхон: Ҳа, бу фикрларга мен қўшиламан. Асарнинг ”Шуъла” деб номланган бобида ёзувчи устоз Ойбек ҳақида ўзгача бир меҳр билан сўзлайди: ”Навоий Низомий даҳосидан, Ойбек Навоий қудратидан истиҳола қилган бўлса, энди мен Ойбекнинг буюклиги қаршисида довдираяпман. Ҳаётнинг минг бир чиғириғидан омон ўтган, тухматларга, маломатларга бир

эр киши бўлиб чидаган, соғлигини душманлари йиллар бўйи емирган сабр-бардошли бир ўғлон тўғрисида ”Устозларнинг руҳи мададкор бўлсин, деб ёзишга журъат қилдим” ...Мана шу самимий дил изҳорининг ўзи Саид Аҳмаднинг устоз ёзувчига хурмати, меҳрини, қолаверса, академик Ойбекнинг ёшларимизга ибрат олиш даражасидаги қиёфасини яққол кўрсатади. Хотираларни ўқир эканмиз, Ойбекнинг инсонийлиги, ҳар бир асарининг машаққатлар билан ёзилиш жараёни кўз олдимизда намоён бўлади: ”Ойбек керосин лампа ёқиб, оч-наҳор роман ёзаяпти...” Ойбек чеккан изтиробларни ўқиган китобхонларда шундай ёзувчи билан фахрланиш туйғуси уйғонади.

5-китобхон: Менга хотиралардаги Ойбек ва Зарифахоним муносабатлари ҳақидаги ўринлар, айниқса, маъқул бўлди. Зарифахонимнинг ”Ойбегим менинг” асарини ўқиган бўлсам ҳам, Саид Аҳмаднинг куйидаги сўзларини ҳар бир фидоий ўзбек аёлига қўйилган ҳалкал деса хато бўлмайди: ”Ойбек хотиндан ёлчиган одам эди. Зарифахонимдек фидоий аёлни китобларда ҳам учратмаганман. У бутун умрини Ойбекка бағишлади. У Ойбек деб яшади”.

6-китобхон: Китобнинг 26-бетидан 71-бетигача устоз Ғафур Ғулом ҳақида хотиралар берилган. У буюк зотнинг донишмандлиги, зукколиги, болажон ва халқпарвар инсон эканлигини ёзувчи меҳр билан, фахрланиб тилга олади. Ғафур Ғуломнинг кенг миқёсдаги адабий алоқалари, унинг жаҳоншумул дўстлиги ҳақида куйидаги сатрлар гувоҳлик беради. (27-бет ўқиб эшиттирилди).

Саид Аҳмад Ғафур Ғуломнинг энг яхши асарлари қандай дунёга келганлигининг гувоҳи бўлган. ”Вақт”, ”Йигитлар”, ”Тошкент таронаси” каби шеърларининг ёзилиши ҳақидаги хотиралар, айниқса, диққатни тортади. Ижодкор обрўси ҳақида фикр юритар экан, Саид Аҳмад устозининг билимдонлиги, она-юрти тарихини, маданиятини чуқур билиши, аждодлар руҳига катта хурматидан фахрланади. Ёзувчи китобнинг ”Елкасини

пайғамбарлар силаган шоир” қисмида Ғафур Ғуломнинг кулгисеварлиги, ҳазилкашлиги, доноларнинг доноси эканлиги, Бедилни, Ҳофизни, Жомий ва Навоийни севиб ўқиши, Озарбайжон, тожик, туркман, уйғур, қozoқ, татар, қирғиз тилларида бемалол гаплаша олиши кенг миқёсда фикрлашидан завқ олишини яширмайди.

7-китобхон: Китобнинг “Елкасини ҳақиқат силаган ижодкор”, ”Минг бир жон”, ”Йўқолган китоб”, ”Ижод ва жасорат дарси”, ”Сабоқ” каби боблари ўзбек адабиётининг чўнг қояларидан бири Абдулла Қаҳҳорга бағишланган.

Биз биламизки, Абдулла Қаҳҳор ҳақида кўплаб китоблар ёзилган, хотиралар эълон қилинган, аммо Саид Аҳмаднинг хотиралари устоз адибнинг инсоний қиёфасини, характерини бадиий ижодга, шогирдларга муносабатини самимий очиб берадиган дил изҳорларидир. Шу боис, улар орасидаги устоз-шогирдлик ҳар жиҳатдан ўрганса арзигуликдир.

Саид Аҳмад устозининг инсофли, диёнатли эканлиги, мол-давлат кетидан қувмаслиги, илмга интилган шогирдларига беғараз ёрдамини аямаганлиги, ўз ҳаётига, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Учқун Назаров каби эндигина қўлларига қалам олиб, ижод оламига кириб келаётган ёшларга кўрсатган таъсири ҳақида эслайди. (101-бетни ўқиб эшиттирди) .Булардан ташқари Абдулла Қаҳҳорнинг оиласига муносабати, ҳикоячиликдаги маҳорати,с ўзга беқиёс масъулият билан қараши ҳақидаги хотиралар ҳозирги ёшлар, ижодкорларга маёқ бўла оладиган даражададир.

8-китобхон: Кекса адибнинг ўз замондошлари, ҳамфикр, ҳаммаслак, елкадош дўсту-устозлари ҳақидаги юракнинг тубидан отилиб чиққан содда, самимий, қизғин сўзлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Мақсуд Шайхзода ҳақида адиб шундай ёзади: ”Шайхзода бу дунёдан роҳат кўрмай ўтиб кетди. Лекин у, барибир, бахтли инсон эди. Уни эл шоирим дерди. Шайх акам дерди” (156-бетдан парча ўқилди). Бу сўзлар ҳаётда қийинчиликка учраган ҳар бир инсонга далда бўла олиш қувватига эга.

Саид Аҳмад китобнинг ”Уйқудаги маликалар” бобида Миртемир ҳақида: ”Миртемир жон тани билан, вужуд-вужуди билан, сабр-бардоши билан, ўй-туйғулари билан шоир эди, чинакам шоир эди” , - дейди. (165-бетдан ўқиб берилади). Китобнинг “Уч мунгли кўшиқ” бобида Саид Аҳмад Шухрат ҳақидаги хотираларини ҳам ёзар экан, уларсиз “бағри хувиллаб қолганлигидан” ўксинади. Ёзувчининг, шунингдек, Асқад Мухтор, Темирчи уста Амин бобо, Туроб Тўла ҳақидаги хотиралари ҳам таъсирчан чиққан.

9-китобхон: Саид Аҳмаднинг Саида Зуннуовага бағишлаб ёзган хотираларини, умуман ўзининг шахсий ҳаёти ҳақидаги мисраларни вафо, садоқат ҳақидаги мунгли дoston десак адашмаймиз. Ёзувчи хотираларида, аввало, ажойиб шоира, гўзал ҳикоянавис Саида Зуннуова ҳақида қалбининг тубида ётган, саксон ёшидагина юзага чиқа олган армонларини алам билан ифодалайди: ”Саидахон хою-ҳавасларга берилмади, минбарларга интилмади. Оташин нутқлар ижод қилмади. Бир чеккада жимгина яшади. Жимгина оламдан ўтди. Шундай дейман-у, ноҳақликка қарши бош кўтарган, аёл номига доғ туширмай пок сақлаган, жуда кўп аёлларга намуна бўлса арзигулик умр кўрган, хўрликларга, ҳақоратларга қарши исён кўтарган, букилмас бир аёл кўз олдимда туриб олади”.

Бу оташин сўзлар адибнинг азиз турмуш ўртоғига сўз билан қўйган ҳайкали, садоқатининг бир намунаси дир. Ҳозирги ёшлар ишқ йўлида поклик ва садоқатни, эъзозни шу китобдан ўргансалар арзийди.

Китобнинг бу бобининг биринчи қисми бизнинг мустақиллигимиз бебаҳо неъмат эканлигини, уни асраб-авайлашимиз, юртимиз учун, миллий ғояларимиз учун фидоийлик қилишимиз зарурлигини кўрсатиб тургандай бўлади.

Бошловчи: Ёзувчи асарнинг иккинчи қисми, ”Топганларим” қисмида эл орасида ном қозонган, ўзи ишонган, ҳамиша устозларига эътиқоди баланд шогирдлари ҳақида бағрикенглик билан фикр юритади. Булар: Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов, Тоғай Мурод, Носир Фозилов, Максуд Қориев,

Тўлан Низом каби адиблар бўлиб, Саид Аҳмад уларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, асосан, инсонийлик фазилатларига алоҳида урғу беради.

10-китобхон: Саид Аҳмад ёзувчи Ўткир Ҳошимов яратган асарлар ҳақида гапириб, ”Ижод ва жасорат” қисмида унинг ўзбекнинг номини ҳимоя қилишдаги ҳаракатларига тўхталади ва шундай ёзади: ”Тоталитар тузумнинг оқоваси бижғиб, оқиб турган бир пайтда “Ўзбек иши”, ”Давлат сири”, ”Дўстлик ҳурматдан бошланади” каби ўнлаб мақолаларни ёзиш учун катта жасорат керак эди. Ўткир ҳар қандай зарбадан, ҳужумдан кўркмай, баъзан ҳатто ҳаётини хавф остида қолдириб, халқ дилида туғён уриб турган гапларни ошқора айта олди”. (227-бетдан ўқиб эшиттирди).

Ёзувчи ўз фикрини давом эттириб: ”Дунёнинг ишлари”асарини қисса эмас, дoston деб аташни истардим,- дейди,- у кўшиқдай ўқилади, уни ўқиб туриб, ўз оналаримизни ўйлаб кетамиз. Шу мушфик, шу жафокаш оналаримиз олдидаги бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли биттасини уза олдикми, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади.

Қисса бизни инсофга, инсонни қадрлашга, ҳурмат қилишга чақиради”.

Китобдаги ушбу сатрлар Ўткир Ҳошимовдек истеъдодли замондошларимиз ҳаёти ва ижодидан ўрнак олишга чақиради.

11-китобхон: Биз Ўткир Ҳошимов ҳақида анча маълумотга эгамиз, унинг ёзган асарларини ўқиганмиз. Аммо Саид Аҳмаднинг сўзлари ёзувчининг инсонийлик қиёфасини яққол очиб беради: ”Ўткир фақат таланти ёзувчигина эмас, ажойиб дилбар инсон ҳамдир”(230-бет).

12-китобхон: Китобнинг “3001-суварак” деб номланган қисмида бухоролик ёзувчи, ўзбек ҳажвиётида янги саҳифа очган Неъмат Аминов билан Саид Аҳмад орасидаги устоз-шогирдлик муносабатларининг илдизлари чуқур эканлигини кўрамиз. Саид Аҳмад шогирдларининг оиласи, ота-онаси билан қизиқиб, улар билан борди-келди ҳам қилар эди. Мен фикримни Неъмат Аминов ижоди билан исботламоқчиман. Албатта, мен

Саид Аҳмаднинг Неъмат Аминовнинг отасига бағишлаб ёзган хотираларини ўқиган эдим. Бу китобда ҳам ёзувчи Бухоронинг олис Ромитон туманида туғилиб, темирчи отаси билан навбатма-навбат сандонга болға урган бу болада бундай истеъдод қандай пайдо бўлганлиги, шу пайтгача китобларимизга кирмаган турли-туман қиёфаларни у қайда кўрганлиги, улар тилидан айтиладиган, ҳалигача биз билмаган ибораларни у кимлардан эшитганлиги ҳақида фикр юритади ва қалами йилдан-йилга қайралиб, маҳорати борган сари тиниқлашаётганлигига катта ишонч билдиради. Бу эса биз ёшларни халқимизнинг севимли адибига бўлган меҳримизни, ишончимизни оширади.

13-китобхон: Тоғай Мурод ўзбек насрига ўзига хос миллий оҳангларни олиб кирган ёзувчидир. Саид Аҳмад китобининг ”Тоғай Мурод кўшиқлари” деб аталган қисмида ёзувчи ижодига юқори баҳо беради: ”Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди. Тоғай Мурод қиссалари соф миллий ўзбек қиссалари. Тоғай Мурод қиссаларида тасвирланган одамларга бошқа халқ либосини кийдирсангиз ҳам ўзбеклиги билиниб туради. Уларнинг хулқ-атвори ҳам бошқа халққа асло ўхшамайди.

Шу вақтгача қиёфаси ноаниқ, бири-биридан фарқ қилмайдиган, шапка кийдирсанг рус, қорақўл папақ кийдирсанг озарбайжон, телпак кийдирсанг козоқ, ёқасига кашта тикилган кўйлак кийдирсанг украин бўлиб кетаверадиган тахминий одамлар қиссаларимизнинг асосий қаҳрамонлари бўлиб келди. Бу ўз халқининг миллий урф-одатларини, ҳис-туйғуларини билмасликдан бўлди, сўқиркўнгиллик, сўқиркўзликдан бўлди” (240-бетдан ўқилди).

14-китобхон: Шу фикрни давом эттириб, Тоғай Муроднинг ўз она тилини бениҳоят яхши билиши, билганда ҳам бутун ранглари билан, оҳанглари билан билиши ҳақидаги Саид Аҳмаднинг қуйидаги фикрларини сизларга ўқиб бермоқчиман (241-242-бетлар ўқилди).

Бошловчи: Дарҳақиқат, ушбу асарда Тоғай Мурод ўзбекнинг ўзлигини кўрсатишга бор вужуди билан интилган, она тилини бор жозибаси билан бера оладиган ижодкор бўлиб кўз олдимизда гавдаланади ва бизни ҳам ўз она тилимиз, адабиётимизни севишга ундайди.

15-китобхон: Китобнинг “Икки халқ боласи” бўлимида ёзувчи Носир Фозилов ижоди ҳақида фикр юритилади. Бўлажак адиб ёшлигиданоқ китобга ўч бўлганлиги, Қодирий, Ойбек романлари, М.Авезов, С.Муқонов, Г.Мусрепов каби қозоқ адибларининг романларини ҳам кўлидан қўймай ўқишганлиги, қозоқ овулларида кўп кезганлиги, қардош халқларнинг тўйларини сайлларини кўп кўрганлиги, Тошкентга ўқишга келгач, дастлабки машқларидаёқ, Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор каби йирик сўз усталарининг эътиборини қозонганлиги ҳақида сўз юритади. (246-247-бетлардан парчалар ўқилди).

16-китобхон: Ушбу китобнинг “Ҳаётим битта ҳарф устида” деган қисмида ёзувчи Мақсуд Қориев тўғрисида, бу сабр-бардошли инсоннинг газета-журналлардаги муҳаррирлик фаолияти, меҳнатсеварлиги ҳақида яхшигина маълумот берган. Саид Аҳмад адибнинг инсонийлик фазилатлари ҳақида фикр юритар экан: ”қайғунгизга қайғудош, дардингизга ҳамдард инсон сифатида мен уни қадрлайман. Мақсуд Қориев ҳар қандай шароитда суянса бўладиган вафодор дўстдир”, - дейди.

Китобда, шунингдек, андижонлик “номи чиққан шоир” Тўлан Низом ҳақида, унинг Бобур, Чўлпон, Усмон Носир, Саида Зуннуновалар ҳаётини ниҳоятда гўзал тасвирлаган дostonлари ҳақида фикр юритиб, ”Ватан суврати” шеърини мажмуасига юксак баҳо беради.

Бошловчи: Китобнинг ”Бағримни ўртаган аламлар” боби ҳам китобхонларга манзур бўлган, деб ўйлайман. Негаки, унда адибнинг болалик йиллари асарларининг дунёга келиши, ҳажвчилар маҳоратининг чархлана бориши ўз тилидан содда қилиб тушунтириб берилади ва бу ёш китобхонларнинг адиб асарларини ўқишга қизиқишини орттиради.

17-китобхон: Ҳақиқатан ҳам, 50-йилларда адибнинг қамалганидан кейин Саида Зуннуновага қилинган тазйиқлар, хўрликлар, айниқса, шунга қарамасдан шоиранинг сабр-бардош билан умр йўлдошини кутиши тасвирланган саҳифалар ўқувчини бефарқ қолдирмайди (258-бетдан парча ўқилди).

18-китобхон: Адиб ҳикояларининг ёзилиш тарихи, ”Уфқ” трилогиясининг Саид Аҳмад ижодида тутган ўрни тўғрисидаги ёзувчининг дил изҳорлари бизга, айниқса, маъқул бўлди. Бу дардли сатрлар адибнинг инсоний қиёфасини, мукаммал портретини кўз олдимизда яққол намоён қилади. Ҳақиқатан ҳам, китобни ўқир эканмиз, кекса адибнинг ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари бизни ўйлашга, огоҳликка чорлайди.

Бошловчи: Ҳа, ”Ҳажвчи изтироблари” ни ўқир эканмиз, сатирик ҳам изтироб чекар эканми, деб ўйлашимиз тайин. Саид Аҳмаднинг қадамидан кулги тўкилади, у кирган давралар кулгидан яшнаб кетади, дейишади. Бу хусусият унинг асарларида ҳам ярқ этиб кўриниб туради. Аммо бу китоб саҳифаларини ўқир эканмиз, ҳажвчи ёзувчининг юрагида шунчалик алам, дард яшириниб ётганлиги бизни ҳам ҳаётни қадрлашга, мулоҳазали бўлишга чақиради. Энг муҳими шуки, мазкур китоб ёшларда ўтмиш билан, ўз даврининг буюк инсонлари билан, халқ назарига тушган замондошлари билан фахрлана оладиган, кўкси ифтихор билан тўлган ёзувчи инсон ҳақида, ватандошимиз ҳақидаги дилномадир. ”Буюк хизматлари учун” орденини кўлига олаётиб, Саид Аҳмаднинг кўнглидан кечган ўйлар ҳаммани, мустақил Ўзбекистонни Ватан деб билган ҳар бир инсонни шу Ватанни асрашга, эъзозлашга, унга содиқ фарзандлари билан фахрланишга чорлайди. ”Буюк сўзини ўқиганимда етмиш етти йиллик ғуборларим тарқаб кетгандек бўлди. Кўрган жабру-жафолар тумандек ғойиб бўлди.

Шу оғир йўллардан мени омон қайтарган сенинг меҳринг, сенинг иссиқ бағринг, менинг эътиқодим, Тангрининг беадад меҳридир.

Ўзбекистоним! Жоним, жаҳоним! Мен сенинг ўглингман, буюр, она бўлиб буюр, ота бўлиб буюр! Жабҳаларга йўлла! Тоғлардан ошай, дарёлардан кечай, саҳроларни кезай, буюр, буюр!

Мана шу ёруғ кунлар учун, бу тенгсиз ҳурматлар учун, халқимга, улуғ йўлбошчимга қуллуқ қиламан”,- дейди улуғ ёзувчи.

Президентимиз айтганларидек: ”Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди”.

МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ДОСТОНИ

(“Тоғ Маҳал”га сиртқи экскурсия қилиш ёрдамида талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш)

Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш – миллатимизнинг келажагини сақлаб қолмоқ демакдир. Бунга қандай эришмоқ мумкин? Ўз она юртига содиқ фарзандларни қай йўл билан тарбиялаймиз?

“Бунинг йўли – одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига

эришишдир”. (И.Каримов.Миллий истиқлол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.Т.:Ўзбекистон,2000. 11-бет).

Ёшларимизни миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, уларга Ватан меҳрини, ота-боболаримиз билан фахрланиш ҳиссини шакллантириш бўйича мустақил Ватанимизда анча ишлар қилинмоқда.Бу масала – давлат аҳамиятига молик ишлар даражасига кўтарилган.

Маърузачи: Маълумки, маданиятимиз тарихини, халқимизнинг дурдона фарзандлари, жумладан, юртдошларимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий, адабий меросини чуқурроқ, кенгроқ ўрганиш, халқимизга етказиш, келажак авлодларга бебаҳо маънавий бойликлар қолдириб кетган улуғ алломаларнинг ҳурматини, қадрини жойига қўйиш, умуман маданиятимиз тарихининг кам ўрганилган жабҳаларига чуқурроқ кириб бориш, янги топилган маълумотлар ҳисобига мозийгоҳларимиз ва халқимиз тасаввурларини бойитиш, шунингдек, ёш, мустақил Ўзбекистонимизни чет элларда тарғиб этиш , улуғ мутафаккир,шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийларнинг тарихий, илмий меросини, меъморчилик ёдгорликларини чуқур ўрганиш мақсадида Андижонда ”Бобур” номли халқаро илмий экспедиция ташкил қилинди.

Экспедиция аъзоси, шоир ва ёзувчи Қамчибек Кенжа ”Ҳайрат суратлари”(Бобур юрган йўлларда) номли хотиралар китобини Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистондан олган таассуротлари асосида битган. Асарнинг “Сеҳрли Ҳиндистон” бобидаги ўзбек-ҳинд халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, муҳаббат ришталари, бобурийлар, бобурий маликаларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётига , уларнинг ишқий муносабатларига оид изтиробли ва қизиқарли ривоятлар, ҳикоятлар, тафсилотлар ҳар бир талабани ҳаяжонга солишига, ҳинд ва жаҳон олимлари , шарқшуносларининг бобурийлар ва улар яратган ўлмас, бебаҳо обидалар ҳақидаги фикрлари талабалар тасаввурларини бойитиб, уларда миллий ифтихор туйғусини уйғотишига шубҳа йўқ.

Маърузани бошлашдан олдин шу асарнинг “Кўзим чиқсин” бобини ўқиб берамиз ва талабалар муҳокамасига ҳавола қиламиз:

“Бир мақбарани “Навоийники” деб кўрсатишди....

Уйланмай, оила, фарзанд орзу-ҳавасидан воз кечиб, 50 йил кечаси-ю кундузи, хира шам ёруғида қалам қитирлатиб, туркий тилнинг бой имкониятларини очиб берган, ҳар жиҳатдан мукаммал ва ибратли тўрт девон, оламга машҳур ”Хамса” ва яна бошқа ўнлаб дostonлар , рисоалар ёзиб, дунё маданияти тарихидан абадулабад фахрли ўрин эгаллаган, Хуросондек катта юртда вазир бўлиб кўп улуғ ишлар қилган, халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонган, ғазаллари, кўшиқлари шу кунгача ҳам миллионлаб хонадонларда баралла янграб келаётган беназир ва улуғ инсон мақбараси бир ҳукмдорнинг оддий, суюкли хотини номи билан боғлиқ обида (Тож Маҳални назарда тутди. -таъкид бизники Д.Р.) олдида гугурт қутисидек кичкина, кўримсиз эди ва ўзининг шу аҳволидан хижолат бўлгандай, эзилгандай, ғарибона кўринишда эди.

Лекин бу гаплар ҳали ҳолва экан. Янтоқ, тикан, алафлар босиб, изи ҳам йўқолаётган сўқмоқдан мақбарага қараб борар эканмиз, ичимдан беихтиёр бир нидо отилиб чиқди:

Ҳайҳот.Хароба-ку!

Менинг назаримда улуғ, беназир алломалар қабри, мақбараси дахлсиз бўлиб, ҳар қандай қирғинбаротларда ҳам безиён, бешикаст бўлмоғи керак эди. Лекин... жоҳиллар қўлидан учган ўқлар, снарядлар жой ҳам, одам ҳам ажратмайди-да...

Навоий мақбарасининг кун чиқиш томон деворини снаряд ўпириб юборган экан, ғишт уриб қўйишибди. Ичкарида ва ташқарида темир ҳавозалар турарди. Афтидан, улар ана шу ўпирилган жойларни беркитишга олиб келингану шу бўйича қолиб кетган бўлса керак. Чунки мақбара ичида уюлиб ётган ғишт синиқлари, тош, кесакларга қараб, бу ерга яқин ўртада таъмирловчилар ҳам, бошқалар ҳам оёқ босмаганини сезиш қийин эмас.

Деворларга чизиб ташланган телба-тескари ёзувларни кўрсангиз кўнглингиз озади.

Бош қисмига ”Бу ерга Низомиддин Алишер Навоий дафн этилган”, деган ёзув битилган қора мрамар сағана тоши синиб, бўлиниб кетган эди... Одамнинг хўрлиги, йиғлагиси келадиган манзара.. .Ҳаммамизнинг руҳимиз тушиб кетди...

Мен беихтиёр ”Алишер Навоий” драмасидаги ушбу байтни эсладим:

Кўзим чиқсин сени кўргунча бундоқ,

Кесилсин тил сени сўргунча мундоқ...”(”Жаҳон адабиёти”журнали.1997 йил,№7,121-бет).

Шу китобнинг ”Султон хотирасига қолган тош” бобида(Ўша китоб,123-124-бетлар) Хуросон давлатига салкам 40 йил ҳукмронлик қилган, Ҳиротни обод ва маданий марказга айлантиришга нечоғлик ҳисса қўшган, Алишер Навоий таъсирида илм ва ижод аҳлига кенг имконият ва шароитлар яратиб берган шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг мақбараси деворларининг колдиқлари, унинг нечоғли хароба ҳолида эканлиги ҳақида ёзилади.

Ушбу бобларни ўқиб берар эканмиз, талабалар фикрини билмоқчи бўлдик. Қувонарлиси шундаки, талабалар бир овоздан Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг хокларини бермасмикинлар, олиб келиб рамзий бўлса ҳам қадамжо қилар эдик? Ўша жойнинг ўзида бу мақбараларни таъмирлаб, ҳозир бизнинг юртимиздаги Ал Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа зиёратгоҳларга ўхшаган жойлар қилишга ожизмизми? каби саволлар билан кўмиб ташлашди.

Музокарадан сўнг, Қамчибек Кенжа билан суҳбат чоғида ёзиб олинган **видео тасмани кўйиб бердик**. Унда ёзувчи ўз кўзи билан кўрган Тож Маҳалнинг ҳозирги кўриниши ҳақида сўзлаб беради, видео тасмада эса талабалар бу машҳур кошонани ўзлари телевизор орқали кўришга муяссар бўладилар.

«Тож Маҳал»нинг ташқи ҳовлисига қадам қўйишингиз биланоқ сизни ғалати ҳислар чулғаб оларкан, гўё гўзаллик, меҳру-вафо оламига кириб бораётгандай сезасиз ўзингизни... Ниҳоят, муаззам обида эшигидан ичкарига – асосий ҳовлига кирасиз. Ҳайратланиб супада туриб қоласиз. Аввало сизни зиёратчиларнинг кўплиги, одамлар оқими таажжубга ва ҳаяжонга солади. Турли миллат, турли дин, турли мазҳабдаги , турлича кийинган, турли рангдаги кишилар – болалар, катталар. Балки уларнинг тассуротлари ҳар хил бўлар, лекин ҳаммасининг бу ерга киришидан мақсади бор, олаётган завқ-шавқи бор.. .Оппоқ кийимли, беҳол кекса отасини қўлларида кўтариб олган йигитни кўриб ҳаммамиз жуда таъсирландик. Саёҳатчи-зиёратчилар орасида Овруподан, Америкадан, дунёнинг ҳамма бурчакларидан келган ажнабийлар бор. Эсдалик учун суратга тушаётганларнинг сон-саноғи йўк”.

Маърузачи: Ҳа, таърифини эшитганки инсон бир кўрсам деб орзу қиладиган мўъжизавор обида Тож Маҳал ҳақида гап кетганда эса, аввало унинг яралиши тарихи, сабабчилари ва ижодкорлари бўлмиш Мумтоз Маҳал ва Шоҳ Жаҳонни ёдламасликнинг иложи йўк.

Ҳинд тарихчиларининг қайд этишича, Шоҳ Жаҳон бобурийлар ичида энг омадли подшоҳ бўлиб, унинг қарийб ўттиз йиллик ҳукмдорлик даври Ҳиндистондаги бобурийлар, балки бутун темурийлар салтанатининг энг гуллаган, олтин давридир. У жуда кўп иншоотлар, санъат обидалари курдирган. Дехлида “Лаъл қалъа”, ”Масжиди жоме”, ”Масжиди Луълу”, ”Тож Маҳал” шулар жумласидандир. Бу даврда юрт фаровонлиги ҳам яхши бўлган. Шунинг учун ҳам халқ Шоҳ Жаҳонни ҳурмат қилган, ҳозир ҳам эъзоз билан тилга оладилар. Шоҳ Жаҳон эл-юрт учун, келажак авлод учун яна кўпроқ тарихий, маданий бойликлар қолдириши мумкин эди. Афсуски, унинг ҳукмдорликка ниҳоятда ўч, бешафқат ўғли Аврангзеб ака-укалари билан олишиб, уларни ўлим ва қийноқлар билан йўлдан четлаштириб, падари бузрукворларини ҳибсга олади ва қалъага қамаб қўяди...

Шоҳ Жаҳон 21 ёшида Аржуманд Бонуга ўйланган эди. Аржуманд Бону ота-онаси билан Эрондан келиб қолган Жаҳонгирнинг суюкли хотини Нуржаҳон бегимнинг жияни эди. Шоҳ Жаҳоннинг отаси гўзаллиги, оқила, доно бўлган учун келини Аржуманд Бонуни Мумтозмаҳал(Саройнинг кўрки, ифтихори) деб атарди. Мумтоз Маҳал билимли, маданиятли, айна вақтда художўй, эрига ниҳоятда садоқатли, унга маслаҳатдош бўлган. Шунинг учун ҳам Шоҳ Жаҳон ўзининг деярли барча сафарлари ва юришларида суюкли хотинини ўзи билан олиб юрган. Мумтоз Маҳал ана шундай юришларнинг бирида Бурхонпурда ўн тўртинчи фарзандини туғишда, ўттиз етти ёшида вафот этган. Сўнгги дақиқаларда қалбига энг яқин, азиз кишиси бўлган хотинининг умри поёнига етаётганини сезиб қолган Шоҳ Жаҳон дард, алам билан ”Тилагингизни айтинг, ҳар не истасангиз бажо келтирурман”,-деди. Шунда Мумтозбегим эрининг ёш қалқиб турган меҳрибон кўзларига сўнгсиз муҳаббат ва илтижо билан, уч нарсани: Ундан кейин ўйланмасликни; фарзандларига меҳрибон бўлишни ва ўзининг ҳаётдан барвақт кўз юмаётган хотинининг хотирасига муҳташам бир ёдгорлик барпо қилишини сўраб ўтинади.

Шоҳ Жаҳон Мумтоз Маҳалнинг барча васиятларини адо этади, фарзандларидан биронтасига қаттиқроқ жазо бергани маълум эмас, аксинча, уларни доим ардоқлаган, лекин ҳаётнинг ғалатилигини қарангки, ниҳоятда олийжаноб, меҳрибон (фарзандларга нисбатан) отадан туғилган ўғиллар бир-бирлари билан аёвсиз жанг қилиб, тожу-тахт учун курашадилар. Айниқса, Аврангзебнинг жоҳиллиги, раҳм-шавқатсизлиги ҳаммасидан ўтиб тушади.

Тож Маҳал Мумтоз Маҳал васияти, илтимосининг ижросигина эмас, балки эрнинг хотинига чексиз муҳаббати, садоқати рамзидир. Шунинг учун ҳам уни севги достони, муҳаббат ва мусибат кошонаси, Оқ мармар достони каби номлар билан таърифлайдилар. Дарҳақиқат, қарийб 20 йил давомида 22 минг ишчи, қурувчи, ҳунармандлар кучи сарфланган бу муаззам мақбара учун Шоҳ Жаҳон умрининг катта бир қисмини, бутун дунёсини бағишлайди.

Мақбара тарихини яратишда Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Ўрта Осиё, Арабистон, Ярим Оврўпо давлатларининг меъморлари, уста ҳунармандлари, рассомлари узоқ бош қотиришади. Дид-фаросати юксак, санъатни нозик ҳис этувчи Шоҳ Жаҳон тарҳларнинг ҳар бир чизиғини синчиклаб кўрар, кўнгли тўлмай қайтарарди. Ўз суюкли ва вафодор, ҳаётида ҳамиша ҳамдам ва ҳамдард бўлган соҳибжамол хотинининг хотирасига чиндан ҳам дунёда ўзи каби тенги йўқ обида – ёдгорлик қурдиришни ният қилган эди. Шоҳ ва малика ақлу-фаросатда, ҳусн-малоҳатда ҳам бир-бирларига жуда мос эдилар, чинакам ошиқ-маъшуклар каби бир-бирини севиб, соғиниб яшаган эдилар. Шунинг учун ҳам ҳинд тадқиқотчиси Б.Луния: ”Тож Маҳал – Бобурийлар санъатининг гўзал гулдастаси, дунёда эр-хотин муҳаббати, аҳиллиги ва садоқати шаънига бунёд этилган энг гўзал, энг мумтоз обидадир”-, деб ёзган.

Тарих китобларида битилишича, Тож Маҳал учун дунёнинг қайси мамлакатидан бўлмасин, энг қимматбаҳо қурилиш ва безак ашёлари топиб келтирилган. Масалан, зумрадни олис Россиядан, ҳақиқни Бағдоддан, гранитни Нилдан, ёқутни Бадахшондан, ферузани Тибетдан, садафни Шри-Ланкадан, марваридни Ҳинд океанидан олиб келишган. Бу ишларга йигирма йил мобайнида ишчи кучи, маблағни бир тасаввур қилиб кўринг. Лекин, шуниси диққатга сазоворки, давлат хазинаси шу даврда бойликка тўлиб тошган, бундай катта ва кенг кўламли қурилишга ҳар қанча маблағ сарфланса ҳам халқ манфаатига асло зиён етмаган. Зеро, Шоҳ Жаҳоннинг омади ҳам шунда эди.

Видео тасманинг кейинги қисмини кўямиз:

“Тож Маҳал дунёдаги бирорта обида бўйлаша олмайдиган салобатга, виқорга эга. Узоқдан кўзингиз худди тинч уммонда чайқалиб турган кемага тушгандай бўлади.

Мен ташки дарвозадан киришдаги супада туриб ўсмирлик орзуларимдан бирининг ушалганига шукроналар айтиб, енгил энтикканча Тож Маҳални томоша қилар эканман, беихтиёр қадимги юнонлар дунёдаги

етти мўъжизанинг бири деб ҳисоблашган Вавилон Самовий боғларини эсладим ва ўзимча бу икки ёдгорлик таржимаи ҳолида қандайдир ўхшашлик, муштараклик топгандай бўлдим”.

Маърузачи: Гап шундаки, Самовий боғлар ҳам аёлга бўлган муҳаббат туфайли бунёд этилган, дейилади. Ривоятларда нақл қилинишича, бундан икки минг йилча аввал Месопотамия подшоси Навуходоносор Каспий денгизи бўйидаги Мидия мамлакатининг маликасини севиб қолади ва унга ўйланиб, ёш хотинини пойтахтга – Вавилонга олиб келади. Каспий бўйининг намхуш ва салқин ҳавосига ўрганган малика Вавилоннинг иссиқ иқлимига кўника олмай қийналади. Хотинини жону дилидан яхши кўрган подшоҳ узок ўйлайди ва ўйлаб-ўйлаб самода ям-яшил боғ барпо этиш чорасини топади. Бошқа юртлардан курувчи усталар, тошкесарлар, меъморларни маслаҳатга, ёрдамга чақиради. Тўрт қаватли тош миноралар тикланадида, уларни бири-бирига бирлаштириб, майдонлар ясаиб, унумдор тупроқ ташиб чиқилади. Маликанинг ватани бўлган Каспий бўйидан чиройли гуллар, манзарали дарахтлар келтириб экилади ва у ерда чиндан ҳам боғи эрам вужудга келади. Малика самовий боғ хиёбонларида сайр этиб юрадиган бўлади...”

Шоҳ Жаҳон бешафқат ўғли Аврангзеб томонидан Жамна дарёсининг ўнг соҳилидаги қалъа хоналаридан бирига қамаб қўйилади. Хонадан дарёнинг нариги юзидаги Тож Маҳал аниқ кўриниб турарди. Ҳамма нарсадан жудо бўлган, ҳамма имкониятлардан маҳрум этилган Шоҳ Жаҳон ана шу дарчадан Тож Маҳалга – хотини Мумтоз бегим мақбарасига тикилиб кунларини аламли ўтказди. Бу кунларда Мумтоз бегим вафотидан ўттиз йил ўтган эди.

Мумтоз Маҳал вафоти олдидан катта қизи Жаҳон Оро бегимга отасининг ҳолидан хабар олиб туришни васият қилган эди. Меҳрибон, оқила киз ҳибсдаги отасининг ҳолидан хабар олиб, унинг ёлғиз ғамхўри ва ғамгусори бўлиб, сидқидилдан отасига хизмат қилади.

Ҳикоя қилинишича, совуқ мрамрдан қурилган хонада тик туравериш, асабийлашиш оқибатида Шоҳ Жаҳоннинг оёқлари шол бўлиб қолади. Ўрнидан туриб Тож Маҳални томоша қилиш имкониятидан маҳрум бўлади, шунда қизи Жаҳон Оро бегим хонага Тож Маҳалнинг акси тушиб турадиган қилиб ойналар қўйдириб беради. Шоҳ жаҳон шу ойналарга термулиб саккиз йил ҳибсда ётади ва ўзининг васиятига кўра суюкли хотини Мумтоз бегимнинг ёнига дафн этилади. (Ҳикоя давомида видео тасма орқали жойлар кўрсатиб борилади).

Ёзувчини тинглаймиз:

“Тож Маҳални уч томондан ўраб турган боғ-ҳиёбон ҳам ниҳоятда гўзал эди. Ям-яшил майса билан қопланган, турли шакллар берилган йўлакларга оёқ босишга ийманасиз. Ўртадаги узун тошҳовузга тушиб турган миноралар, мақбара гумбазлари акси зангори тусда товланади. Ҳовузнинг икки томонидаги чиройли сарв дарахтлари Аржуманд бонунинг қадду-бастини эслатиб тургандай. Мақбарага яқинлашганингиз сайин, мрамр деворнинг тиниқ ва силлиқлигидан кўзингиз қамаша бошлайди. Мақбара майдонининг тўрт бурчагидаги осмонга бўй чўзган тўрт минора гўё уйқудаги шоҳ ва малика оромини, осойишталигини кўриқлаб турган тўрт посбонга ўхшаб кўринади.

Тож Маҳални ғоят мукамал ва гўзал ишланган санъат асарининг олий намунаси деб баралла айтиш мумкин.

Йўлаклар шифти – баланд гумбазлар ости қозон шаклида, думалоқ. Деворларга қуръони Каримдан оятлар битилган. Мақбара, одатдаги, мусулмон анъаналарига кўра икки қаватли қилиб қурилган. Биринчи, асосий қаватда, саккиз бурчакли катта ва кенг хонада шоҳ ва маликанинг сағаналари ёнма-ён қўйилган. Шоҳ Жаҳон сағана тошининг ёнларига худонинг 99 исми ўйиб ёзилган. Мумтоз бегимнинг сағана тошлари ёнига эса нилуфар гуллари, лола тасвирлари ўйиб ишланган, уларга зумрад, ёкут, садаф каби қимматбаҳо тошлар қадалган. Хона деворларига айланасига турли гуллар тасвири шундай

туширилганки, силаб кўрсангиз, сип-силлиқ, қандай қилиб ўйиб ишланганига ақл бовар қилмайди. Худди ойна остидаги суратга ўхшайди. Бундан ҳам ажабланарлиси, мақбара хизматчилари қўл чироқларини ёқиб, деворга яқинлаштирган эди, биз кўриб турган гуллар тагида, мраммар ичида яна – бир кават ана шундай тасвир-чиройли гуллар намоён бўлди”.

Албатта, бу боқий санъат тимсолини томоша қилган ҳар биримиз нинг қалбимиз ифтихор туйғулари билан тўлади.

Узоқ давом этган музокара давомида талабалар Андижонда “Бобур миллий боғи”нинг яратилгани, шоирнинг тупроғидан олиб келиниб, рамзий зиёратгоҳ қилингани, шаҳарда юбилей тантаналари ўтказилганлиги, ҳайкаллар кўтарилганлиги, бир умр юртига талпиниб яшаган Бобур саҳоватпеша инсонларнинг саъйи-ҳаракатлари билан Андижонга қайтганлигини фахр ва ифтихор билан, миннатдорчилик ҳисси билан гапиришди.

Аммо, талабаларни жуда оғриқли масала ўйлантиришини, ўша мақбаралар, “Тоғ Маҳал” ёки бошқа дунёни лол қолдираётган, ватандошларимиз томонидан ўзга юртларда қуриб қолдирилган иншоотлар нега бизнинг юртимизнинг кўркига кўрк қўша олмади? Нега улар бегона юртларда қолиб кетди? Жаҳон маданияти ва адабиётининг ёрқин юлдузлари Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаролар қабрлари нега ташландиқ аҳволда? Ўзбек адабиётининг асосчиси деб билганимиз, бобокалонимиз Алишер Навоийнинг дуоларини олиш учун, руҳи покларини обод қилиш учун биз талаба-ёшларнинг кўлимиздан нима келар экан? каби кўплаб саволларни тарбияланувчиларимиз олдига қўя олган бу сингари маърузалар, дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар талаба ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда катта ўрин тутишига ишончимиз комил.

“Жаҳон адабиёти” журнали, 1997 йил, №7.-120-135-бетлар.

МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОСИ.

(Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров).-Т.: Шарқ, 2004. - 496б. дан фойдаланилди)

Анъана – аجدодларнинг тарихан тўплаган маънавий қадриятларини авлодларга узатиш воситаси. Анъана ўз ҳолича мавҳум тушунча бўлиб, аслида, анъанага айланган расм-русумлар, урф-одатлар, маросимлар, удумлар, кўникмалар, малакалар, турмуш тарзи ва бошқалар ҳақида фикр юритилганда, у аниқ маъно касб этади.

Миллатлар, халқлар, элатларнинг тарихий хотирасига зўр ҳурмат билан қараш, аввало, анъанага айланган маросимларда ўз ифодасини топади. Анъаналар халқларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади. Одамларнинг турмуш тарзи, моддий шароитлари турли анъаналарнинг шаклланишига таъсир қилади. Муайян ижтимоий тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-одат, маросим ва бошқалар анъана сифатида намоён бўлади... Анъаналар ёшларни тарбиялаш, уларни кекса авлод тажрибаларига ўргатиш воситаси ҳамдир. Ҳар бир даврнинг ўз анъаналари бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзилари йўқолади, янгилари вужудга келади. Шунингдек, бир замоннинг анъаналари иккинчисига мос келмаслиги мумкин. Давр талабига жавоб бермайдиган анъаналар унутилади, ўтмишга айланади. Анъана инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади. Анъанани асосан 2 турга бўлиш мумкин: а)анъанага айланган хайрли (бунёдкор)маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари. Бундай анъаналар ижтимоий тараққиёт, миллий раванқ ва инсон камолоти учун бемисл аҳамиятга моликдир; б)анъанага айланиб қолган зарарли (вайронкор) маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари. Булар ҳар доим инсон онги ва руҳини қашшоқлаштириб, уни маънавий тубан бир мавжудот бўлиб қолишига асос бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига завола бўлади. Тарихий жараёнлар, ижтимоий тараққиётнинг олдинга боришига,

инсоннинг баркамол, соғлом равнақ топишига хизмат қиладиган ҳамда муайян халқ оммасининг туб манфаатларига мувофиқ келадиган маросимлар, расм-русум, урф-одат, турмуш ва тафаккур тарзи хайрли анъана воситаси таъсирида ривожланади ва қадриятга айланади.

Ватанпарварлик – Ватан олдидаги масъулият ва бурчни англаш тушунчаси. Ватанпарварлик ниҳоятда серқирра бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, кадр-қимматини, тақдирини, истиқболини қанча кўп англашилса, кишиларда ватанпарварлик тушунчаси шунча баланд бўлади. Бу жараён чексиздир. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичлари Ватанпарварликнинг янги-янги қирраларини кашф этиб боради. Ҳар бир шахсдаги ватанпарварлик туйғуси жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ. Ҳақиқий ватанпарварлик - миллат, Ватан манфаати билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида меҳнат қилиш ҳамда курашишдир.

Комил инсон – ижтимоий тараққиётнинг асосий ғояларидан биридир. Комил инсон ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. Тарихга назар ташласак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий кўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади, яъни, жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони шахснинг баркамоллиги орқали жамиятни бахт-саодатли қилишдан иборат бўлиб келган. Инсондаги комиллик, энг аввало унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир. Шу маънода буюк юнон файласуфи Сукротнинг ”Ўзинг-ўзингни бил”,- деган даъвати ҳам инсоннинг ўз насл-насабини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажак авлодлар олдидаги масъулият ва

мажбуриятини англашга қаратилган чақириқдир. Комил инсон ғоясини миллий истиқлол ғоясидан ажратиб бўлмайди.

Маданий мерос – авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий тафаккурий, диний ва руҳий қарашларда халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи.

Ҳар бир давр ўзига хос бўлган маданий меросни яратади ва келажак авлодга қолдиради. Масалан, қадимги юнон маданиятини оладиган бўлсак, ўша даврнинг фани, адабиёти ва санъати соҳасидаги нодир асарлари инсониятни ҳозиргача ҳайратга солиб келмоқда. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиёда ўрта асрларда Уйғониш даври бошланди, дунёвий ва илоҳий илмлар ривож топди. Фаннинг турли соҳаларида улкан ишлар қилинди. Жаҳонга донғи кетган алломалар Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ҳаким ат-Термизий, имом Бухорий, Замахшарий, Марғиноний, Мотрудий, Улуғбек, Навоий, Бехзодлар табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва диний қарашлари, бадиий ижодлари билан тарихда чуқур из қолдирдилар. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидан моддий бойлик бўлмиш осори-атиқалар, ёдгорликлар маданий обидалар кўплаб топилади. Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида сақланаётган ёдгорликлар, масжиду-мадрасалар, мақбаралар жаҳоннинг кўп мамлакатларидан келган саёҳатчиларни лол қолдирмоқда. Ҳар бир даврнинг маънавий ва моддий маданияти ўша тузумдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий аҳволини белгилайди. Маданият соҳасида қўлга киритилган ютуқлар кейинги даврда янги жамият томонидан ўзлаштирилади, қайта ишланади ва янги мазмун билан тўлдирилади, шароитга тўғри келмайдиганлари инкор этилади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, урф-одат, маросим ва анъаналар, миллий байрамлар қайта тикланди, ўзбек тили давлат тили мақомини олди, ислом дини маданиятимизнинг таркибий қисмига айланди, тарихимиз қайта ўрганиб чиқилмоқда. Ўтмишда миллий маданиятимиз

равнақига катта ҳисса қўшган буюк сиймоларнинг номлари тикланиб, абадийлаштирилмоқда, юбилейлар ўтказилмоқда. Хуллас, миллий маданий меросимизни халқ мулкига айлантириш борасида кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати туфайлидир.

Манқуртлик – ўзлигини англашдан маҳрум бўлган инсон, жамиятнинг хусусияти; кундалик турмушда ўз тарихини билмайдиган одамларга нисбатан қўлланиладиган тушунча. Одатда, бу сўз кишилар томонидан ота-она, қариндошларига бемехр, ”онасини ҳам соғинмайдиган”(А.Орипов) миллатга бемехр одамларга қарата айтилади. Манқурт сўзи ҳаддан ташқари ғайриинсонийлик даражасини кўрсатувчи тушунча сифатида намоён бўлади. Ҳозирги давримиздаги долзарб муаммолардан бири – ўзлигини яхши англайдиган маънавий баркамол авлодни, миллий манқуртликдан холи бўлган замонавий инсонларни тарбиялашдир. (239-бет)

Маънавият – инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган қадриятлар тизими. Инсон маънавиятини ўзини шахс сифатида англагандан бошлаб умрининг охиригача шакллантиради ва ривожлантириб боради. Инсоннинг ўз маънавиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиздир. У инсоннинг бутун онгли фаолияти давомида шаклланади, ривожланади. Шу маънода маънавият инсоннинг онглилигини, қобилиятини ва интилишларини ҳам ўз ичига олади. Маънавият инсоннинг ботиний дунёсини ўзида ифода этувчи тушунча. Инсон ботиний дунёсини, гавҳар тўла тубсиз денгизга қиёслаш мумкин. Маънавият инсоннинг руҳияти, ўзи-ўзининг англаши, дид фаросати, адолатни разилликдан, яхшиликдан, ёмонликни, гўзалликни хунукликдан, оқилликни жохилликдан ажрата билиш қобилияти, ақл-заковати, уларни амалга ошириш йўлида онгли фаолият кўрсатиш ва интилиши. Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг ҳатти-ҳаракатларида, ўзлигини қайси даражада англашида, ўзининг оила ва

жамиятдаги ўрнини тушунишида Ватан ва миллатга муносабатида намоён бўлади.

Миллат - тил, маънавият, миллий ўзликнинг англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи ижтимоий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги. Миллат маълум ҳудудда барқарор яшаб, тарихий тараққиёт даврида ривожланиб, кишиларнинг маънавий-руҳий салоҳият ягоналиги асосида шаклланади. У инсоният дунёга келиши ва тараққиётининг маҳсулидир. Миллатнинг шаклланиши ва ривожланишида моддий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади, аммо улар миллат абадийлигини таъминлашнинг охирги имконияти эмас. Улар миллат тараққиёти учун зарурий шарт ҳисобланади. Миллатнинг абадийлиги, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили унинг ички маънавий-руҳий салоҳиятидир.

Миллатчилик – маҳдудлик ва мумтозликни тарғиб ва ташвиқ қилишга асосланган, ўз миллатига чуқур ишонч ва ўзга миллатларга ишончсизлик руҳи билан йўғрилган назария ва амалиёт... Миллатчилик ортида моҳият эътибори билан ўзга халқлар ва маданиятларни камситиш, уларга менсимаслик билан муносабатда бўлиш туйғулари ётади. Миллатчилик, бир томондан, бошқа миллатлар билан турли соҳалардаги айирбошлаш жараёнидан маҳрум қилиб, миллатнинг маънавий қашшоқлашувига сабаб бўлса, иккинчи томондан, ўзаро келишмовчиликлар учун замин яратади. Миллатчилик туйғулари бутун миллатни қамраб олган ва структуралари томонидан бундай кайфиятлар қўллаб-қувватланган пайтда эса у миллатлараро муносабатларнинг таранг ҳолатда сақланишига, ўзаро ишончсизлик туйғуларининг илдиз отишига, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг чўзилиб кетишига ва доимий беқарорлик ҳолатининг сақланиб қолишига сабаб бўлади.(262-263-бетлар)

Миллий ифтихор – инсоннинг онг ва фаолиятида, ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданияти, тарихи, дини, тили, қадриятлари қанчалик ўрнашиб олганлигини ифодалайди. Миллий ифтихор миллий ғурурнинг юқори босқичи, чўққисидир. Худди шунинг учун ҳам миллий ифтихор миллатни яхлит ижтимоий бирлик эканлигини ҳис қилишда намоён бўлади. Бошқача айтганда, ифтихор руҳий-маънавий фазилатдир. Худди шу фазилат туфайли кишилар ўзларининг тарихий бирликларини – уруғ-аймоқчилик, қон-қардошлик, яқинликларини ифодалайди(267-бет).

Миллий калондимоғлик – миллий такаббурлик, миллий манманлик, миллий кеккайиш каби ғайриинсонийлик. Қаерда миллий калондимоғлик бўлса, ўша ерда унга қарама-қарши ўлароқ миллатчилик ривожланади. Миллий калондимоғлик кўп миллатли мамлакатда миллатларни бир-бирига яқинлаштирмайди, балки улар орасига адоват уруғини сочади, турли низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Миллий калондимоғликнинг юқори босқичи – миллатчилик. Агар миллий калондимоғлик бартараф этилмаса, миллатчиликни вужудга келтиради. Миллий калондимоғлик миллий аламзадаликни келтириб чиқаришини унутмаслик керак.(267-бет).

Миллийлик – ўз миллатини улуғлаш ва унинг манфаатини ҳимоя қилиш, миллий ғурур ва миллий нафсоният туйғулари, ўз тили, адабиёти, санъати ва маданияти, дини, тарихи ва урф-одатлари, расм-русумлари, байрам-сайиллари, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий қадриятларни кадрлаш, ўзи туғилиб вояга етган диёрини ардоқлаш, унинг табиати, дарёлари, кўллари, мусаффо осмони билан фахрланиш туйғуси. Миллийлик бир миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий-этник барқарорлигини таъминловчи буюк қудратдир.(267-268-бетлар)

Миллий онг – миллатнинг мавжудлиги унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ омил. У миллатнинг шаклланиши, тараққий этиши ва абадийлигини таъминлайди. Миллий онг миллатнинг ўзи билан бирга шаклланиб боради. Унинг бошқалардан фарқ қилувчи, фақат ўзига тааллуқли

бўлган манфаатлари ва мақсадлари шаклланиши миллий онгни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам миллий онг миллат билан параллел равишда узоқ тарихий даврда, унинг турмуш тарзи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва кенг маънавий-маърифий салоҳияти таъсирида ривожланади. Шундай қилиб, миллий онг деб, миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадларни ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятини мақсад, йўналишлар томон бошқариб турадиган ғоялар, фикрлар тизимига айтилади. Миллий онг миллий манфаатлар сифатида, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ҳам шаклланиб ва ривожланиб боради. Худди шу жараёнда миллатга хос бўлган хусусиятлар шаклланади. Ўша хусусиятлар миллатни бошқа миллатлардан ажратиб туради. Бундай ўзига хос хусусиятлар, ўз навбатида, миллий манфаат ва мақсадларнинг шаклланишида етакчи омил вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам миллатнинг барча тарихий даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий камолоти миллий онгда ўз ифодасини топади. Миллий онг ривожининг маънавий асосларини миллий тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одат, анъаналар, қадриятлар, миллий тарбия, таълим тизими кабилар ташкил қилади. Мана шу манбадан миллат маънавий озуқа олади, улар орқали ўзини англайди.(270-бет)

Миллий ўз-ўзини англаш – ҳар бир миллат(элат)нинг ўз-ўзини реал субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишига миллий ўз-ўзини англаш дейилади. Миллий ўз-ўзини англаш миллий шаклланиш жараёнининг юқори босқичи. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши заминида давлат атрофига бирлашиши мумкин. Миллий ўз-ўзини англаш мураккаб жараён. Бу жараён миллат вакилларининг умуммиллий манфаатларини устувор қўя билиш малакаси билан бевосита

боғлиқдир. Миллий ўз-ўзини англаш миллий онгдан фарқ қилади. Миллий онг ҳар бир миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришининг муҳим мезони. Ўз навбатида, миллий онгнинг ўсиб бориши ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаш даражасига кўтаради. Миллий ўз-ўзини англаш реал моддий куч сифатида, миллат шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатлари поймол этилганда миллат вакиллари, қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашадилар ва ўзлигини ҳимоя қиладилар. Шундай қилиб, миллий ўз-ўзини англаш миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи омил ҳисобланади.(271-бет)

Миллий ғурур – 1) шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаш асосида шаклланадиган аجدодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча. Бу туйғу қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, кадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш. Соғлом миллий ғурур ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тақозо қилади. Бундай туйғуга эга маънавий етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий миллий ғурурни миллатпарастликдан фарқ қила олади, бошқа миллат вакилларининг иззат нафси ва ғурурини камситмайди. Мустақиллик кишилар миллий ғурурини ошириб, уни халқ, Ватан, аجدодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда Ватанимиз

мустақиллигидан фахрланиш, мамлакатимизда озод, фаровон ва эркин ҳаёт қуриш йўлида фаол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжамияти ютуқлари, универсал технологиялардан фойдаланиш миллий ғурурни оширадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини кўп жиҳатдан белгилайди, уларни ўзларида соғлом миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади.

Тарихий хотира – аجدодлар яратган моддий ва маънавий бойликларни кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланиши. Инсон ўзининг тарихий хотирасига эга бўлмасдан туриб, ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб ета олмайди. Ўз келажагини тасаввур қила олмайди. Шу сабабдан ҳам И.Каримов таъкидлагани каби ”Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Тарихий хотира маданий мероснинг шаклланиши ва ривожланиши учун асосий манба вазифасини бажаради. Худди шунинг учун ҳам, ҳамма замонларда халқнинг, миллатнинг тарихий хотирасини мустаҳкамлаш юртнинг буюк алломалари, давлат арбоблари диққат эътиборида бўлган. Абу Наср Форобийнинг тушунтиришича, тарихий хотира ҳар бир миллат, ҳар бир халқ яратган маънавий бойликлар, умуминсоний маданий мерос билан бирлашганда, умуминсоний маданий мерос хазинасига қўшилгандагина содир бўлади. Инсоният авлодларининг ўзаро алоқадорлиги натижасида вужудга келган қадриятлар, яъни аждодлар ва авлодларнинг руҳий-маънавий мероси умуминсоний маданий мерос хазинасига қўшилади ва аста-секин тарихий хотирага айланиб боради. Бошқача айтганимизда, тарихий хотира инсониятнинг барча аждодлари руҳини, яъни уларнинг фикрлари, ғоялари ва эътиқодлари, орзулари ва истакларини ўзида мужассамлаштиради. Худди шунинг учун ҳам, инсоннинг руҳий-маънавий етуқлиги унинг тарихий хотираси билан боғлиқ. Тарих инсон учун буюк хотира вазифасини бажаради.(389-бет).

Урф-одат – анъаналар сифатида умумхалқ томонидан қабул қилинган тартиб-қоида; расм-русум, тамойил. (Масалан, ўзбекларда кичикларнинг

катталарга салом бериши, эрталаб туриб уй-ҳовлини супириб-сидириб, тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш, ёрдамга муҳтожларга ҳашарга бориш ва б.). Урф-одат ва расм-русумлар ҳар бир миллат ва элатнинг тарихи, турмуш тарзи ва бошқа омиллар таъсирида ўзига хос равишда шаклланади ва миллат, элатнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи хусусиятларидан биридир. Масалан, ўзбекларда қудачилик жуда катта эътиборни талаб этади. ”Куёвни пайғамбарлар сийлаган” дейилади ва шунга яраша куёвга ҳурмат эҳтиром билдирилади. Ўтмишда ота ўз қизи келин бўлиб тушган маҳалладан отдан тушиб пиёда ўтган.

Урф-одат ва расм-русумларга бефарқ киши ўзини-ўзи миллатидан узоқлаштириб, узиб қўяди. Урф-одат ва расм-русумларга ҳурмат ўз миллатига ҳурматнинг таркибий қисмларга, кўп миллатли давлатда ўз миллатининг урф-одатларига риоя қилиш бошқа миллатлар билан бўлган дўстона муносабатларига путур етказмаслиги керак.(416-бет)

М У Н Д А Р И Ж А

- 1.Талабаларнинг миллий ифтихор туйғуси моҳияти ва унинг асослари тўғрисидаги назарий билимларга эгаллигини аниқловчи тест топшириқлари.....7-бет
- 2.”Шахсда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари” факультатив курс дастури.....8-бет
3. Талабаларга анкета сўровномаси.....14-бет
4. Профессор-ўқитувчиларга анкета сўровномаси.....15-бет
- 5.Амир-Темур – ўзбек миллатининг фахри,ифтихори(дарсдан ташқари машғулот сценарийси).....16-бет
- 6.Амир Темурнинг илм-фан ва маданият ишлари бўйича қилган ҳаракатларини ўрганиш – миллий ифтихор туйғусини шакллантириш воситаси(Олийгоҳ кутубхонаси Билан ҳамкорликда ташкил қилинган дарсдан ташқари машғулот сценарийси).....25-бет
- 7.Талабаларда миллий ифтихорни тарбиялашнинг воситалари(Давлатни бошқаришнинг тарихий меросимизга асосланиши ҳақидаги маъруза).....33-бет
8. Миллий ифтихор куйчиси (Саид Аҳмад таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кеча сценарийси).....44-бет
9. Муҳаббат ва садоқат достони (“Тоғ Маҳал”га сиртки экскурсия қилиш ёрдамида талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш).....54-бет
10. Миллий ифтихор туйғусини шакллантириш билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг луғавий маъноси.....64-бет